Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган Давлат Университети

Амалий математика ва ахборот технологиялари кафедраси
А.Имомов

ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ ва MathCAD

2-қисм

Дифференциал ва интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш



http://www.ziyonet.uz/files/znuz_215446_20111025095315.rar
http://www.ziyonet.uz/files/znuz_215446_20111102151005.rar

Наманган-2014

Куч билим ва адолатда.
Амир Темур

Ким ахборотга эгалик қилса, у дунёга эгалик қилади**.** Билл Гейтс

С Ў З Б О Ш И

Ушбу ўқув қўлланма 5480100-«Амалий математика ва информатика», 5460100 «Математика», 5521900 «Информатика ва ахборотлар технологияси», 5140900 «Касб таълими» йўналишлари хамда 5А480103 «Амалий математика ва ахборотлар технологияси» мутахассисликлари учун «Ҳисоблаш усуллари», «Сонли усуллар, алгоритмлар ва АДД» фанларини ўрганувчилар учун мўлжалланган ва амалдаги ўқув режалари, ўқув дастурлари асосида тузилган. Ҳар бир мавзу асосий тушунчалар ва асосий натижалар (формулалар), саволлар, биринчи марта, усуллар учун MathCAD программаси билан ишлаш йўлга қўйилган.

2-қисм дифференциал ва интеграл тенгламаларни тақрибий ечишга бағишланган. Бу ерда оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи, чегара масалалар, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш усуллари қаралган.

MathCAD MATHematica (математика) и CAD (Computer Aided Design — системы автоматического проектирования, ёки САПР-автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари) сўзларидан олинган. Шундай қилиб, MathCAD-ҳисоблашларни автоматлаштирувчи математик ахборот тизими демакдир.

Тизим деб қўйилган мақсадларини амалга ошириш учун бир вақтнинг ўзида ҳам ягона, ҳам ҳар хил элементларнинг мажмуи деб қаралиши мумкин бўлган ҳар қандай объектга айтилади.

Ахборот тизими- қўйилган мақсадни амалга ошириш учун ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, қидириш ва узатиш усуллари, воситалари ва ходимларнинг ўзаро боғлиқ мажмуидир.

Ахборот тизимга инсон савол билан мурожаат қилади, у жавоб қайтаради.Фойдаланувчи MathCADга масала билан мурожаат қилади, у жавоб қайтаради.

Тақризчилар: т.ф.н.,доц.П.Каримов

Ўқув қўлланма НамДУ Амалий математика кафедрасининг 24.01.05 даги мажлисида кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган, пр.№ 6

Маъруза матнларини териш,чоп этиш учун шароит яратиб берган Б.Саматовга муаллиф миннатдорчилик билдиради.

2-қисм. Маърузалар.

ИЛОВА ЛАР.

2-БОБ. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ВА ИНТЕГРАЛ ТЕНГЛАМАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ УСУЛЛАРИ

2.1.ОДДИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМА (ОДТ) УЧУН КОШИ МАСАЛАСИНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ. ЭЙЛЕР УСУЛИ

Асосий тушунчаоар: *ОДТ учун Коши масаласи, аниқ ва тақрибий ечим, бошланғич шарт, аниқ усуллар, тақрибий усуллар:тақрибий-аналитик усул, сонли усул.Итерация ва қаторга ёйиш усуллари, Эйлер, Рунге - Кутта, Адамс усуллари, маҳаллий ва тўлиқ хато.*

Асосий формулалар:

1. ОДТ учун Коши масаласи: $u' = f(x,u), a \le x \le b, u(a) = u_0, a = x_0$.

2.Тақрибий аналитик усуллар: итерация, қаторига ёйиш усуллари.

3.Эйлер усули: $u_{i+1} = u_i + hf(x_i, u_i), \quad i = 0,1,...,n-1, u(x_n) - u_n = 0(h)$.

4.Эйлер усулининг алгоритми ва дастури.

5.Назарий саволлар ва топшириқлар.

1. ОДТ учун Коши масаласи.

ОДТ учун Коши масаласини қараймиз:

$$u' = f(x,u), a \le x \le b, \qquad (1)$$

$$u(a) = u_0, a = x_0 \qquad (2)$$

(1) оддий дифференциал тенглама, (2) бошланғич шарт дейилади. Коши масаласида (2) бошланғич шартни ва ОДТ (1) ни қаноатлартирувчи u=u(x) функцияни топиш талаб этилади. Агар (1), (2) шартларни қаноатлантирувчи узлуксиз, биринчи тартибли узлуксиз ҳосилага эга функция u=u(x) топилса, уни аниқ ечим дейилади. ОДТ курсидан маълумки $f(x,y)$ $f_y(x,y)$ функциялар бирор $[a,b]*[c,d]$ соҳада узлуксиз бўлса, Коши масаласи аниқ ечимга эга. Биз бу шартларни бажарилган деб қараймиз.

Лекин бу ечимни доим ҳам аниқ топиб бўлавермайди, чунки (1) дан Ньютон-Лейбниц формуласини қўллаб қуйидагини оламиз:

$$u(x) = \int_{x_0}^{x} f(x,y)dx + u(x_0) .$$

ва равшанки, ечимни аниқ топиш учун интеграл остидаги функция аниқ интегралланувчи бўлиши керак. Масалан, ушбу тенгламада $u'(x) = \exp(-(x^2 + u^2))$ ўнг томоннинг аниқ интегралини топиш мумкин эмас.

(1), (2) да u(x) функция вектор-функция ҳам бўлиши мумкин: $u(x) = (u_1(x),...,u_k(x))$. Бу ҳолда (1), (2) ОДТ системасига айланади. ОДТ системасига юқори тартибли тенгламаларни олиб келиш мумкин. Масалан, иккинчи тартибли ОДТ учун Коши масаласи

$$u'' = f(x,u,u'), u(x_0) = u_o, u'(x_0) = u'_o$$

ни ушбу белгилашлар ёрдамида

$$u'_1(x) = u'(x) = u_2(x), u'_2(x) = f(x,u_1,u_2)$$

қуйидаги ОДТ системасига олиб келинади:

$$u'_1(x) = u_2(x), u_1(x_0) = u_0 \qquad (3)$$

$$u'_2(x) = f(x,u_1,u_2), u_2(x_0) = u'_0. \qquad (4)$$

ОДТ учун Коши масаласини тақрибий ечиш усуллари икки гуруҳга бўлинади: Тақрибий аналитик усуллар (итерация-Пикар, қаторга ёйиш усуллари ва ҳ.к.) ва сонли усуллар (Эйлер, Рунге-Кутта, Адамс ва ҳ.к.). Тақрибий аналитик усуллар ёрдамида тақрибий ечим аналитик кўринишда, сонли усулларда эса тақрибий ечим сонли кўринишда, яъни жадвал кўринишда топилади.

2. Тақрибий аналитик усуллар.

а) Итерация ёки Пикар усули. (1), (2) ни ушбу Вольтер тенгламаси кўринишида ёзиб оламиз:

$$u(x) = u_0 + \int_{x_0}^{x} f(t,u)dt \qquad (5)$$

Сўнг, $u_0(x) = u_0$ деб олиб $\{u_k(x)\}$ итерациялар кетма-кетлигини тузамиз:

$$u_{k+1}(x) = u_0 + \int_{x_0}^{x} f(t,u_k(t))dt, u_0 = u_0(x), \qquad k = 0,1,2,.... \qquad (6)$$

Қисқартириб акс эттириш принципига асосан, оператор A:C[a,b]$\to$ C [a,b]

$$Au(x) = u_0 + \int_{x_0}^{x} f(t,u)dt$$

қисқартириб акслантириш бўлса, $\{u_k(x)\}$ кетма-кетлик аниқ ечимга текис яқинлашади.

Теорема 1. Фараз қилайлик $D = D(x,u) = \{|x - x_0| \le a, \ |u - u_0| \le b\}$ чегараланган соҳада ўнг томон f(x,u) Липшиц шартига бўйсинсин:

$$|f(x,u_1) - f(x,u_2)| \le L|u_1 - u_2|.$$

У ҳолда $r_k(x) = u(x) - u_k(x)$ хатолик учун қуйидаги баҳо ўринли: $|r_k(x)| \le bL^k a^k / k!$.

Исбот: (5) дан (6) ни айирамиз ва модулга ўтамиз:

$$|r_{k+1}(x)| = \left| \int_{x_0}^{x} [f(x,u) - f(x,u_k)]dx \right| \le L\int_{x_0}^{x} |r_k(x)|dx.$$

Бу реккурент тенгсизликни ечамиз. Аввало,

$$|r_0(x)| = |u(x) - u_0| \le b,$$

эканлигидан кетма-кет топамиз:

$$|r_1(x)| \le bL(x - x_0), \qquad |r_2(x)| \le bL(x - x_0)^2 / 2!,..., \quad |r_k(x)| \le bL^k(x - x_0)^k$$

Теорема исбот бўлди.

Мисол 1. Пикар усулини ушбу Коши масаласига тадбиқ қиламиз:

$$u'(x) = x^2 + u^2(x), u(0) = 0.$$

Равшанки,

$$u_0(x) = 0, u_1(x) = \frac{x^3}{3}, u_2(x) = \frac{x^3}{3} + \frac{x^4}{12}, u_3 = \frac{x^3}{3} + \frac{x^4}{12} + \frac{x^5}{60},$$

ва ҳоказо. Кўриниб турибдики, $|x| < 1$ соҳада қатор жуда тез яқинлашади.

Мисолдан кўринадики, Пикар усули (6) интеграл элементар фунуциялар ёрдамидагина ҳисоблансагина яхши ишлайди. Акс ҳолда бу усулни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Пикар усулида Липщиц ўзгармаси L ни қуйидагича олиш мумкин $L = \max\{|f_u(x,u)|, (x,u) \in D\}.$.

б) Ечимни Тейлор қаторига ёйиш.

Фараз қилайлик, $f(x,u) \in C^{k+1}([a,b]*[c,d])$ бўлсин, к ≥0. У ҳолда аниқ ечим u(x) ни $x = x_0 \in [a,b]$ нуқта атрофида Тейлор формуласи бўйича ёйиш мумкин:

$$u(x) = u(x_0) + u'(x_0)(x - x_0)/1! + ... + u^{(k)}(x_0)(x - x_0)^k / k! + u^{(k+1)}(c)(x - x_0)^{k+1}/(k+1)! .(7)$$

бу ерда $a \le x_0 < c < x < b.$ $u^i(x_0)$ ҳосилаларни (1) тенгламалардан топиш мумкин:

$$u' = f(x,u), u'' = f'_x(x,u) + f'_u(x,u)u'(x) = f'_x + f'_u f,.., u^{(k)}(x) = (u^{(k-1)}(x))'.$$

Топилган ҳосилалар $x = x_0$ нуқтада ҳисобланиб (7) га қўйилади ва қолдиқ ҳад ташлаб юборилади. Натижада, $0((x - x_0)^{k+1})$ хатолик билан тақрибий-аналитик ечим топилади:

$$u(x) \approx u_k(x) = u(x_0) + u'(x_0)(x - x_0)/1! + ... + u^{(k)}(x_0)(x - x_0)^k / k!$$

Равшанки, $r_k(x) = u(x) - u_k(x)$ десак, ушбу баҳога келамиз:

$$|r_k(x)| \le \max\left\{|u^{(k+1)}(x)||x - x_0|^{k+1}/(k+1)!, \quad x \in [a,b]\right\}.$$

3. Эйлер усули. Фараз қилайлик u=u(x) ечим иккинчи тартибли узлуксиз ҳосилаларга эга бўлсин,ёки f=f(x,t) функция биринчи тартибли ҳосилаларга эга бўлсин. У ҳолда Тейлор формуласига асосан

$$u(x+h) = u(x) + u'(x)h + u''(x + c_1)h^2/2, \quad 0 < c_1 < h$$

Демак, $u' = f(x,u)$ эканлигини ҳисобга олсак,

$$u(x+h) = u(x) + hf(x,u) + 0(h^2)$$

муносабатга келамиз. $x = x_i, \quad x_{i+1} = x_i + h$ десак

$$u(x_{i+1}) = u(x_i) + hf(x_i, u_i) + 0(h^2), \quad i = 0,1,....$$

Бу муносабатда ноъмалум чексиз кичик $0(h^2)$ миқдор бор. Уни ташлаб юбориб

$$u_{i+1} = u_i + hf(x_i, u_i), \quad i = 0,1,....,n-1. \qquad (8)$$

муносабатларга келамиз, бу ерда u_i сонлар (8) реккурент формула ечими, равшанки, $u_i \ne u(x_i)$, яъни u_i лар $u(x_i)$ ларнинг тақрибий қийматлари экан, $r_i = u(x_i) - u_i$ хатоликни топамиз. Равшанки,

$$u(x_{i+1}) - u_{i+1} = u(x_i) - u_i + 0(h^2), \quad i = 0,1,....,n-1.$$

$u(x_0) = u_0$ эканлигидан

$$u(x_1) - u_1 = 0(h^2), u(x_2) - u_2 = 0(h^2) + 0(h^2) = 2*0(h^2),..,$$

$$u(x_n) - u_n = n*0(h^2) = \frac{b-a}{n}0(h^2) = 0(h).$$

Демак, $u(x_i) - u_i = 0(h^2)$ -бу маҳаллий хатолик ва $u(x_n) - u_n = 0(h)$ - бу эса тўла хатолик.

Шундай қилиб, Эйлер усули [a,b] да биринчи тартибли хатоликка эга экан: $u(x_n) - u_n = 0(h)$.

4.Эйлер усулининг дастури .

Оралиқ, нуқталар $a := 0\ b := 0\ n := 10\ h := (b-a)/n\ Origin := 0\ i := 0..n\ x_i := a + ih$

ОДТ да ўнг томони, бошланғич шарт $f(x,y) := 2.2/(x^2 + y^2 + 2.6)\ \ y_0 := 0$

Эйлер усули $y_{i+1} := y_i + hf(x_i, y_i)$

Натижани чиқариш $y^T =$

Программа асосида экспериментлар ўтказамиз:a, b, u0, n=0 1 0 10:

x	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
u	0.0000	0.0010	0.0050	0.0140	0.0300	0.0551	0.0914	0.1413	0.2072	0.2925	0.4011

Натижа тўғрилиги кўриниб турибди.

4. Иккита ОДТ учун Эйлер усули.

Оралиқ, нуқталар $a := 0\ b := 0\ n := 10\ h := (b-a)/n\ Origin := 0\ i := 0..n\ x_i := a + ih$

Ўнг томон $f(x,u,v) := (v-u)*x \quad g(x,u,v) := (u+v)*x$

Бошланғич шарт $x_0 := 0\ u_0 := 1\ v_0 := 1$

Эйлер усули $u_{i+1} := u_i + hf(x_i, u_i, v_i)\ \ v_{i+1} := v_i + hg(x_i, u_i, v_i)$

Эйлер усули $u_{i+1} := u_i + hf(x_i, u_i, v_i)\ \ v_{i+1} := v_i + hg(x_i, u_i, v_i)$

Натижани чиқариш $u^T =$ $v^T =$

Программа асосида экспериментлар ўтказамиз:

x	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
u	1.0000	1.0000	1.0004	1.0022	1.0070	1.0170	1.0351	1.0649	1.1106	1.1777	1.2729
v	1.0000	1.0200	1.0604	1.1223	1.2075	1.3187	1.4599	1.6366	1.8564	2.1295	2.4697

Натижа тўғрилиги кўриниб турибди.

5. Назарий саволлар ва топшириқлар

1. ОДТ учун тақрибий усуллар неча хил бўлади?
2. Эйлер усулида маҳаллий, тўлиқ хатолик нима?
3. Эйлер усулида аниқ ва тақрибий ечим нима?
4. [0,1] кесмада $u' = x^2 + u^2, u(a) = u_0$, масала учун Пикар усулининг хатолигини топинг.
5. Юқоридаги масала учун Тейлор қаторига тақрибий ечимнинг ёйиш усули учун қолдиқ ҳадни баҳоланг. Мундарижага

2.2. ТАКОМИЛЛАШГАН ИККИНЧИ ТАРТИБЛИ ЭЙЛЕР УСУЛЛАРИ

Асосий тушунчалар:*иккинчи тартибли аниқликдаги такомиллашган Эйлер усуллари, маҳаллий ва тўлиқ хатолик; прогноз ва коррекция усули, қолдиқ ҳадлар.*

Асосий формулалар:

1. *Такомиллашган Эйлер усули:*

$u_{i+1/2} = u_i + hf(x_i, u_i)/2$, $u_{i+1} = u_i + hf(x_i + h/2, u_{i+1/2})$, *i=0,...,n-1,* $u(x_n) - u_n = 0(h^2)$.

2. *Прогноз ва коррекция усули:*

$v_{i+1} = u_i + hf(x_i, u_i)$, $u_{i+1} = u_i + h[f(x_i, u_i) + f(x_{i+1}, v_{i+1})]/2$,*i=0,...,n-1,* $u(x_n) - u_n = 0(h^2)$.

3. *Усулнинг MathCAD даги алгоритми*

4. *Назарий саволлар ва масалалар.*

1. Такомиллашган Эйлер усули. Ушбу Ньютон-Лейбниц формуласининг хусусий ҳолини қараймиз:

$$u(x+h) = u(x) + \int_0^h u'(x+t)dt \qquad (1)$$

тенгликни қараймиз ва $u'(x+t)$ ни $t = h/2$ нуқтада ёямиз:

$u'(x+t) = u'(x+h/2) + u''(x+h/2)(t-h/2) + u'''(c)(t-h/2)^2/12, 0 < c < h/2$.

Лекин, осонгина ҳисоблаш мумкинки,

$$\int_0^h (t-h/2)dt = 0$$

Қуйида биз интеграл учун ўрта қиймат ҳақидаги теоремадан фойдаланамиз: агар f(x), g(x) [a,b] да узлуксиз, signg(x)=const, бўлса

$$\int_a^b f(x)g(x)dx = f(c)\int_a^b g(x)dx, a < c < b.$$

Интеграл учун ўрта қиймат ҳақидаги теоремага асосан

$$\int_0^h u'''(c)(t-h/2)^2 dt = u'''(c_1)\int_0^h (t-h/2)^2 dt = u'''(c_1)h^3/12, , \quad 0 < c_1 < h/2.$$

Шунинг учун,

$u(x+h) = u(x) + hu'(x+h/2) + u'''(c_1)h^3/12 = u(x) + hf(x+h/2, u(x+h/2)) + 0(h^3)$.

Энди $x = x_i$, $x_{i+1} = x_i + h$ десак,

$$u(x_{i+1}) = u(x_i) + hf(x_i + h/2, u(x_i + h/2)) + 0(h^3) .(2)$$

Бу ердан $u(x_{i+1})$ ни тўғридан тўғри топиш мумкин эмас, чунки $u(x_i + h/2)$ ҳам ноъмалум. Агар Эйлер формуласидан

$$u(x_i + h/2) = u(x_i) + hu'(x_i)/2 + 0(h^2) \qquad (3)$$

лигини эътиборга олсак ва уни (2) га қўйсак хатоликни бузилмаслиги кўриниб турибди:

$$\begin{aligned} u(x_{i+1}) &= u(x_i) + hf(x_i + h/2, u(x_i) + hu(x_i)/2 + 0(h^2)) + 0(h^3), \\ u(x_{i+1}) &= u(x_i) + hf(x_i + h/2, u(x_i) + hf(x_i, u(x_i))/2) + 0(h^3). \end{aligned} \qquad (4)$$

$0(h^3)$ хатоликни ташлаб юбориб янги

$$u_{i+1} = u_i + hf(x_i + h/2, u(x_i) + hf(x_i, u_i)/2), \qquad i = 0,1,2......., n-1. (5)$$

тенгламаларга келамиз. Бу ерда $u_i \approx u(x_i)$ *ва* $u(x_i) - u_i = 0(h^3)$ бўляпти. Демак (5) реккурент тенглама ечими u_i аниқ ечим қиймати $u(x_i)$ га $0(h^3)$ хатолик билан яқинлашар экан. $u(x_i) - u_i = 0(h^3)$ миқдор $x = x_i$ нуқтадаги маҳаллий хатолик

дейилади.(5) усул такомиллашган Эйлер усули дейилади. Уни
$u_{i+1/2} = u_i + hf(x_i, u_i)/2, \quad i = 0,1,.....n-1,$ белгилаш киритиб қуйидаги
$u_{i+1/2} = u_i + hf(x_i, u_i)/2, \quad u_{i+1} = u_i + hf(x_{i+1/2}, u_{i+1/2}), \qquad x_{i+1/2} = x_i + h/2$ (6)
кўринишда ҳам ёзиш мумкин.

Тўлиқ хатони топамиз: $u(x_i) - u_i = 0(h^3)$ эканлигидан равшанки,

$$u(x_n) - u_n = \sum_{i=0}^{n-1}[u(x_i) - u_i] = n * 0(h^3) = 0(h^2).$$

Демак, такомиллашган Эйлер усулида тўлиқ хатолик иккинчи тартибли экан:

$$r_n(x) = u(x_n) - u_n = 0(h^2).$$

2. Прогноз-коррекция усули.

(1) да чизиқли интерполяциядан ёки трапеция формуласидан фойдаланамиз:
$u'(x+t) = u'(x) + h[u'(x+h) + u'(x)]/2 + t(t-h)u'''(c)/2!, \; 0 \le t \le h, \quad x \le c \le x+h,$
Бу формулани (2) га қўямиз:

$$u(x+h) = u(x) + h[u'(x) + u'(x+h))/2] + \frac{1}{2!}\int_0^h u'''(c)t(t-h)dt, c = c(t)$$

Бу ерда $u'''(x)$ узлуксиз десак, ва t(t-h)≤0 эканлигини ҳисобга олсак, интеграл учун ўрта қиймат ҳақидаги теоремадан, шундай c_1 топиладики, $x \le c_1 \le x + h$,

$$\int_0^h u'''(c)t(t-h)dt = u'''(c_1)\int_0^h t(t-h)dt = -u'''(c_1)h^3/12$$

Натижада, $u(x+h) = u(x) + h[f(x,u) + f(x+h, u(x+h))]/2 - u'''(c_1)h^3/12$
тақрибий тенгликка келамиз.Энди $x = x_i, \quad x_i + h = x_{i+1}$ десак қуйидаги муносабатни оламиз:

$$u(x_{i+1}) = u(x_i) + h[f(x_i,u_i) + f(x_{i+1},u_{i+1})]/2 + 0(h^3) \quad (7)$$

Бу ердан $u(x_{i+1})$ ни топиш мумкин эмас. Чексиз кичик $0(h^3)$ ни ташлаб юбориб $u(x_i) \approx u_i$ деб u_i тақрибий қийматларни киритамиз. Лекин, $f(x_{i+1}, u(x_{i+1}))$ ифодани $0(h^2)$ хатолик билан ҳисобласак умумий $0(h^3)$ хатолик бузилмайди. Шунинг учун, Эйлер усулидаги $u_{i+1} = u_i + hf(x_i,u_i)$ миқдор учун $u(x_i) - u_i = 0(h^2)$ эканлигини билган ҳолда (7) дан ушбу муносабатларни оламиз:

$$u_{i+1} = u_i + h[f(x_i,u_i) + f(x_{i+1}, u_i + hf(x_i,u_i)]/2, \; i = 0,1,....n-1. \quad (8)$$

Бу Эйлернинг прогноз-коррекция усули деб айтилади,
$v_{i+1} = u_i + hf(x_i,u_i)$ бу $u(x_{i+1})$ миқдорнинг прогнози-башорат қилинган қиймати,
$u_{i+1} = u_i + h[f(x_i,u_i) + f(x_{i+1}, v_{i+1})]/2$ бу $u(x_{i+1})$ нинг коррекцияланган (аниқлаштирилган) қиймати.

Демак, Эйлернинг прогноз-коррекция усули қуйидагича бўлар экан:
$v_{i+1} = u_i + hf(x_i,u_i)$, $u_{i+1} = u_i + h[f(x_i,u_i) + f(x_{i+1},v_{i+1})]/2$, i=0,1,…,n-1.

3. Усулнинг алгоритми

Қуйидаги дастурда Эйлернинг барча усуллари қамраб олинган.

ОДТ учун Коши масаласини тақрибий ечишни ушбу мисолда кўрамиз:

$$y' = 2.2/(x^2 + y^2 + 2.6), y(0) = 0$$

Усуллар сифатида Эйлер (E) $y_{i+1} = y_i + hf(x_i, y_i)$, такомиллашган Эйлер (TE) $y_{i+0.5} = y_i + hf(x_i, y_i)/2, y_{i+1} = y_i + hf(x_{i+0.5}, y_{i+0.5})/2$, прогноз-коррекция (PK) $\bar{y}_{i+1} = y_i + hf(x_i, y_i), y_{i+1} = y_i + hf(x_{i+1}, \bar{y}_{i+1})$, Рунге-Кутта (RK) усулларини

$y_{i+1} = y_i + (k_1 + 2k_2 + 2k_3 + k_4)/6$, $k_1 = hf(x_i, y_i)$, $k_2 = hf(x_i + h/2, y_i + hk_1)$,
$k_3 = hf(x_i + h/2, y_i + hk_2)$, $k_4 = hf(x_{i+1}, y_i + hk_3)$,қараймиз.

Биз кенг кўламдаги ички функцияларни ишлатмаймиз: Bulstoer, bulstoer, bvalfit, Odesolve, Radau, radau, Rkadapt, rkadapt, rkfixed, Sbval, Stiifb, stiffb, Stiffr, stiffr. Уларнинг кўпчилиги асосида юқоридаги усуллар ётади.

Оралиқ, нуқталар $a := 0$ $b := 0$ $n := 10$ $h := (b - a)/n$ $Origin := 0$ $i := 0..n$ $x_i := a + ih$

ОДТ да ўнг томони, бошланғич шарт $f(x, y) := 2.2/(x^2 + y^2 + 2.6)$ $y_0 := 0$

E усул $y_{i+1} := y_i + hf(x_i, y_i)$

TE усул $y12_{i+1} := y_i + hf(x_i, y_i)/2$ $yTE_{i+1} := y_i + hf(x_i + h/2, y12_i)$

PK усул $yPK_{i+1} := y_i + hf(x_i + h, y_{i+1})$

RK усул коэффицентлари $k1_i := hf(x_i, y_i)$ $k2_i := hf(x_i + h/2, y_i + hk1_i/2)$

RK усул коэфф.-тлари $k3_i := hf(x_i + h/2, y_i + hk2_i/2)$ $k4_i := hf(x_i + h, y_i + hk3_i)$

RK усул $yRK_{i+1} := y_i + (k1_i + 2k2_i + 2k3_i + k4_i)/6$

Ҳисоблашларни бажариб ушбу натижага келамиз:

0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
E	0.085	0.169	0.251	0.331	0.408	0.481	0.55	0.614	0.675	0.732
TE	0.085	0.168	0.251	0.331	0.407	0.48	0.549	0.614	0.675	0.731
PK	0.084	0.167	0.249	0.328	0.404	0.477	0.545	0.61	0.671	0.728
RK	0.085	0.168	0.25	0.33	0.406	0.479	0.548	0.613	0.674	0.731

Назарий саволлар ва масалалар.

1. Такомиллашган Эйлер усулининг асоси нимадан иборат?
2. Такомиллашган Эйлер усулида маҳаллий ва тўлиқ хатолик нимадан иборат?
3. Прогноз-коррекция усулининг моҳияти, нимадан иборат?
4. Прогноз-коррекция усулида маҳаллий ва тўлиқ хатолик нимадан иборат?
5. 1, 2. программаларини ОДТ лар системаси учун ёзинг. Бунда бир неча функция ўрнига битта процедура ишлатинг. Мундарижага

2.3.РУНГЕ-КУТТА УСУЛЛАРИ ГРУППАСИ

Асосий тушунчалар: Рунге-Кутта усуллари группаси, тўртинчи тартибли Рунге-Кутта усули

Асосий формулалар :

1. Рунге-Кутта усуллари группаси: Эйлер, такомиллашган Эйлер, прогноз-коррекция, Рунге-Кутта усуллари.

2. Тўртинчи тартибли Рунге-Кутта усули:

$$u(x+h)\approx z(h)=u(x)+(k_1+2k_2+2k_3+k_4)/6, k_1=hf(x,u),\ k_2=h(x+h/2,u+k_1/2),$$

$$k_3=hf(x+h/2,u+k_2/2),\ k_4=hf(x+h,u+k_3),u(x_n)-u_n=0(h^4)$$

3. Усулнинг MathCADда алгоритми.

4. Назорат саволлари ва масалалари

1 Рунге-Кутта усуллари группаси

Биз Эйлер, такомиллашган Эйлер,прогноз-коррекция усулларини кўрдик:

а) Эйлер сули

$$u_{i+1}=u_i+hf(x_i,u_i),\ \ u(x_i)-u_i=0(h^2).(\ \ 1)$$

Б) такомиллашган Эйлер усули

$$u_{i+1/2}=u_i+hf(x_i,u_i)/2,u_{i+1}=u_i+hf(x_{i+1/2},u_{i+1/2}),\ u(x_i)-u_i=o(h^3).(\ \ 2)$$

в) прогноз-коррекция усули

$$u^*_{i+1}=u_i+h(f(x_i,u_i)),u_{i+1}=u_i+h[f(x_i,u_i)+f(x_{i+1},u^*_{i+1})]/2.(\ \ 3)$$

Бу усуллар Рунге-Кутта усуллари группасига киради.Умумий Рунге-Кутта усули қуйидагича .Тақрибий ечим

$$u(x+h)\approx z_s(h)=u(x)+\sum_{i=1}^{q}A_ik_i(h) \qquad (\ \ 4)$$

кўринишда қидирилади, бу ерда

k_1(h)=hf(x,u) , k_2(h)=hf(x+ α_2h,h+ $\beta_{21}k_1$(h)) ,...,

$$k_q(h)=hf(x+\alpha_qh,h+\beta_{q1}k_1(h)+...+\beta_{qq-1}k_{q-1}(h)),\alpha_2,...,\alpha_q,A_1,...,A_q,\beta_{ij},0<j<i\le q,$$

коэффициетлар қуйида танлаб олинади. Тақрибий ечим хатолигини $\varphi(h)=u(x+h)-z(h)$ дейлик. Фараз қиламизки, f(x,u) етарли даражада силлиқ функцияки, $\varphi^{(1)}(h),......,\varphi^{(s+1)}(h)$ мавжуд ва α_i,A_i,β_{ij} шундай танлаб олинадики, $\varphi(0)=...=\varphi^s(0)=0$ Уҳолда қолдик учун

$$\varphi(h)=\sum_{i=o}^{s}\varphi^i(0)h^i/i!+\varphi^{s+1}(\vartheta h)h^{s+1}/(s+1)!=\varphi^{s+1}(h\vartheta)h^{s+1}/(s+1)!$$

кўринишни оламиз. У ҳолда $u(x+h)\approx z_s(h)$ тақрибий формула s-тартибли бўлади.Конкрет ҳолларни кўриб чиқамиз.

1.1. *q=1*.Эйлер усули. Равшанки,

$$\varphi(h)=u(x+h)-u(x)-A_1hf(x,u),\ \varphi(0)=0,\varphi'(0)=f(x,u)(1-A_1),\quad \varphi''(h)=u''(x+\vartheta h).$$

Демак, $\varphi(h)=u''(x+\vartheta h)h^2/2,\qquad \varphi'(0)=0$ тенглик барча *f(x,u)* функциялар учун $A_1=1$ бўлгандагина бажарилади.Бу Эйлер усулига мос келади, чунки

$$u(x+h)=z(h)+\varphi(h)=u(x)+hf(x,u)+u''(x+\vartheta h)h^2/2.$$

1.2.q=2. Такомиллашган Эйлер ва прогноз-коррекция усули.

Бу ҳолда $u^{(1)}=f_x(x,u)+f_u(x,u)f(x,u)$ эканлигини назарда тутиб қуйидагиларни ҳосил қиламиз

$$\varphi(h)=u(x+h)-u(x)-A_1hf(x,u)-A_2hf(x+\alpha_2h,u+\beta_{21}hf(x,u))=$$
$$=u(x+h)-u(x)-A_1hf(x,u)-A_2hf(x_1,u_1),$$
бу ердан
$$\varphi'(h)=u'(x+h)-u(x)-A_1f(x,u)-A_2f(x_1,u_1)-A_2h(\alpha_2f_x(x_1,u_1)+\beta_{21}f_u(x_1,u_1),$$
$$x_1=x+\alpha_2h,\quad u_1=u+\beta_{21}hf(x,u).$$
$$\varphi''(h)=u''(x+h)-2A_2(\alpha_2f_x(x_1,u_1)+\beta_{21}f_u(x_1,u_1)f(x,u))-$$
$$-2A_2(\alpha_2^{\,2}f_{xx}(x_1,u_1)+2\alpha_2\beta_{21}f_{xu}(x_1,u_1)f(x,u)+\beta^2{}_{21}f_{uu}(x_1,u_1)(f(x,u))^2),$$
$$\varphi'''(h)=u''(x+h)-3A_2(\alpha^2{}_2f_{xx}(x_1,u_1)+2\alpha_2\beta_{21}f_{xu}(x_1,u_1)f(x,u)+$$
$$+\beta_{21}^{\,2}f_{uu}(x_1,u_1)(f(x,u))^2)+0(h)$$
Дифференциал тенгламадан $u'=f, u''=f_x+f_uf, u'''=f_{xx}+2f_{xu}f+f_{uu}f^2+f_uu''$, сабабли
$$\begin{aligned}&\varphi(0)=u-u=0,\qquad \varphi'(0)=(1-A_1-A_2)f(x,u),\\&\varphi''(0)=(1-2A_2\alpha_2)f_x(x,u)+(1-2A_2\beta_{21})f_u(x,u)f(x,u),\\&\varphi'''(0)=(1-3A_2\alpha_2^{\,2})f_x(x,u)+(2-6A_2\alpha_2\beta_{21})f_u(x,u)f(x,u)+\\&(1-3A_2\beta^2{}_{21})f_{uu}(x,u)f(x,u)^2+f_u(x,u)u''(x)\end{aligned}\qquad(5)$$
тенгликларни оламиз.

Агар $A_1+A_2=1$ бўлса, $\varphi'(0)=0$ барча *f(x,u)* лар учун бажарилади, $\varphi''(0)=0$ эса $1-2A_2\alpha_2=0,\ 1-2A_2\beta_{21}=0$ бўлса барча f(x,u) лар учун бажарилади.

У ҳолда φ(0)= φ‘(0)= φ’’(0)=0 бўлиб қолади. Қолдиқ ҳад учун
$$\varphi(h)=\varphi^3(\vartheta h)h^3/3! \qquad (6)$$
кўринишида оламиз.

Энди, агар $A_1=0$, $A_2=1$ десак $\alpha_2=\beta_{21}=1/2$ бўлади ва
$$u(x+h)\approx z(h)=u(x)+hf(x+h/2,h(x)+hf(x,u)/2)$$
муносабатни оламиз. Бу такомиллашган Эйлер формуласини беради.

Агар $A_1=A_2=1/2$ десак $\alpha_2=\beta_{21}=1$ ва
$$u(x+h)\approx z(h)=u(x)+h[f(x,u)+f(x+h,u+hf(x,u)]/2$$
муносабатни оламиз. Бу прогноз- коррекция усулига мос келади.

2. Тўртинчи тартибли Рунге-Кутта усули

q=s=4 учун энг кўп қўлланадиган Рунге-Кутта усулига келамиз.
$$u(x+h)\approx z(h)=u(x)+(k_1+2k_2+2k_3+k_4)/6,$$
$$k_1=hf(x,u),\qquad k_2=h(x+h/2,u+k_1/2),$$
$$k_3=hf(x+h/2,u+k_2/2),\qquad k_4=hf(x+h,u+k_3),$$
ҳисоблаш формулалари қуйидагича ёзилади.
$$\begin{aligned}&u_{i+1}=u_1+(k_1+2k_2+2k_3+k_4)/6,\\&k_1=hf(x_i,u_i),\qquad k_2=h(x_i+h/2,u_i+k_1/2),\\&k_3=hf(x_i+h/2,u_i+k_2/2),\qquad k_4=hf(x_i+h,u_i+k_3),\end{aligned}\qquad(7)$$
Равшанки, $\varphi(x)=u(x_i)-u_i=h^5u(5)(\vartheta h)/5!$ (8)

3. Mathcad тилидаги дастур.

Рунге-Кутта усули

Оралиқ, нуқталар $a:=0\ b:=0\ n:=10\ h:=(b-a)/n\ Origin:=0\ i:=0..n\ x_i:=a+ih$

ОДТ да ўнг томон, бошланғич шарт $f(x,y):=2.2/(x^2+y^2+2.6)\ \ y_0:=0$

RK усул коэффициентлари $k1_i:=hf(x_i,y_i)\ \ k2_i:=hf(x_i+h/2,y_i+hk1_i/2)$

RK усул коэффициентлари $k3_i := hf(x_i + h/2, y_i + hk2_i/2)$ $k4_i := hf(x_i + h, y_i + hk3_i)$

RK усул $yRK_{i+1} := y_i + (k1_i + 2k2_i + 2k3_i + k4_i)/6$

Программа асосида экспериментлар ўтказамиз: a,b,n,u0=?0 1 10 0

x	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
u	0.0003	0.0027	0.0090	0.0214	0.0418	0.0724	0.1157	0.1741	0.2509	0.3502	0.4776

Натижа тўғрилиги кўриниб турибди.

Энди Рунге-Кутта усилини иккита тенглама учун қараймиз. Коментарий – текст-изоҳ ишлатмай ёзамиз:

$a := 0$ $b := 0$ $n := 10$ $h := (b-a)/n$ $Origin := 0$ $i := 0..n$ $x_i := a + ih$ оралиқ, нуқталар

$f(x,u,v) := \cos(2.5*u) + v$ $g(x,u,v) := \sin(x + 2.5*u) + v$ $u_0 := u0$ $v_0 := v0$

$k1_i := hf(x_i, u_i, v_i)$ $l1_i := hg(x_i, u_i, v_i)$

$k2_i := hf(x_i + h/2, u_i + hk1_i/2, v_i + hl1_i/2)$ $l2_i := hg(x_i + h/2, u_i + hk1_i/2, v_i + hl1_i/2)$

$k3_i := hf(x_i + h/2, u_i + h21_i/2, v_i + hl2_i/2)$ $l3_i := hg(x_i + h/2, u_i + hk2_i/2, v_i + hl2_i/2)$

$k4_i := hf(x_i + h, u_i + hk3_i, v_i + hl3_i)$ $l4_i := hg(x_i + h, u_i + hk3_i, v_i + hl3_i)$

$uRK_{i+1} := uRK_i + (k1_i + 2k2_i + 2k3_i + k4_i)/6$ $vRK_{i+1} := vRK_i + (l1_i + 2l2_i + 2l3_i + l4_i)/6$

Программа асосида экспериментлар ўтказамиз:a,b,n,u0,v0=0 1 10 0 0,

x	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
u	0.1157	0.2257	0.3274	0.4215	0.5103	0.5952	0.6754	0.7489	0.8147	0.8726	0.9235
v	0.4215	0.0627	0.1520	0.2858	0.4532	0.6266	0.7774	0.8937	0.9780	1.0378	1.0802

Натижа тўғрилиги кўриниб турибди.

Назарий саволлар ва топшириқлар

1. Рунге -Кутта усуллари группасига қайси усуллар киради?
2. Такомиллашган Эйлер усули нечанчи тартибли усул?
3. Прогноз ва коррекция усули нечанчи тартибли усул? Мундарижага

2.4. ИККИНЧИ ТАРТИБЛИ ЧИЗИҚЛИ ОДТ УЧУН ЧЕГАРА МАСАЛАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ УСУЛЛАРИ. КОЛЛОКАЦИЯ ЭНГ КИЧИК КВАДРАТЛАР УСУЛЛАРИ

Асосий тушунчалар: *ОДТ учун чегара масала, чегара шартлар, тақрибий ечиш усуллари, тақрибий аналитик ва сонли усуллар, базис функциялар, четланиш, энг кичик квадратлар усули.*

Асосий формулалар:

1. Ҳисоблаш усуллари ёрдамида масала ечиш этаплари

Математик модель, аниқ ечим, тақрибий ечим, ечиш усули, хатолик.

2.ОДТ учун чегара масала. $Lu \equiv u'' + p(x)u' + q(x)u = f(x),\ \ a \le x \le b,$

$l_0 u \equiv \alpha_0 u(a) + \alpha_1 u'(a) = \gamma_0$, $l_1 u \equiv \beta_0 u(b) + \beta_1 u'(b) = \gamma_1$.

3. Ҳисоблаш математикасининг тақрибий усуллари

4.Коллокация усули: $u_n(x) = \varphi_0(x) + \sum_{j=1}^{n} c_j \varphi_j(x)$, $\sum_{j=1}^{n} c_j L\varphi_j(x_i) = f(x_i) - L\varphi_0(x_i)$

5.Энг кичик квадратлар усули: $u_n(x) = \varphi_0(x) + \sum_{j=1}^{n} c_j \varphi_j(x)$

$$\sum_{j=1}^{n} c_j (L\varphi_j, L\varphi_i) = (f - L\varphi_0, L\varphi_i),\ \ (f,g) = \int_b^a f(x)g(x)dx, \qquad i, j = 1,...n$$

6..Назарий саволлар ва топшириқлар

1. Ҳисолаш усуллари ёрдамида масала ечиш этаплари

Ҳисоблаш математикаси ёрдамида бирор-бир масалани ечиш учун қуйидаги саволларга аниқ жавоб бериши керак.

1) Масаланинг математик модели нима ? . Аниқ ечим қандай функция бўлиши керак?

2) Тақрибий ечим нима? (Функциями ?, Жадвалми ?)

3) Тақрибий ечим қандай усул билан топилади?

4) Тақрибий ечим билан аниқ ечим орасидаги фарқ , яъни ҳатолик қандай баҳоланади?

2. ОДТ учун чегара масала

Иккинчи тартибли ОДТ учун чегара масала қуйидагича берилади:

$$Lu \equiv u'' + p(x)u' + q(x)u = f(x), \qquad a \le x \le b, \tag{1}$$

дифференциал тенгламанинг

$$l_0 u \equiv \alpha_0 u(a) + \alpha_1 u'(a) = \gamma_0\, , l_1 u \equiv \beta_0 u(b) + \beta_1 u'(b) = \gamma_1 \tag{2}$$

чегара шартларни қаноатлантирувчи ечимини топиш талаб этилади. Бу ерда p, q, f∈C[a,b]-[a,b] да берилган узлуксиз функциялар, α_i, β_i, γ_i-берилган сонлар, улар бараварига нолга тенг эмас, яъни чегара шартлар доим маънога эга.

Коши масаласидан фарқли ўлароқ (1),(2) масаланинг ечими мавжуд, лекин ягона эмас, ёки мавжуд эмас бўлиши мумкин. Бу масала ягона ечимга эга бўлиши учун мос бир жинсли тенглама ($f=\gamma_0,\gamma_1=0$) фақат ноль ечимга эга бўлиши керак.

(1), (2) масаланинг аниқ ечимини доимо аниқ топиб бўлавермайди, чунки дифференциал тенгламани ечиш унинг ҳадларини интеграллаш демакдир.Масалан, ечим масаланинг Грин G(x,y) функцияси орқали

$$u(x) = \int_a^b G(x,y) f(y) dy$$

кўринишда ёзилади. Ундан ташқари , агар тенглама ночизиқ бўлса, масалан, f=f(x,u), масала яна мураккблашади. Шунинг учун, дифференциал чегара масала тақрибий ечилади. Тақрибий усуллар тақрибий аналитик (Ритц, Галеркин, коллокация, энг кичик квадратлар) ва сонли (чекли айирмалар) усулларга бўлинади.

3. Ҳисоблаш математикасининг тақрибий усуллари.

Ҳисоблаш математикасининг тақрибий усуллари 2 гуруҳга бўлинади.

1) Тақрибий аналитик усуллар.

2) Сонли усуллар.

Тақрибий аналитик усулларда тақрибий ечим тақрибий аналитик кўринишда,яъни функция кўринишида топилади.

Сонли усулларда эса тақрибий ечим жадвал кўринишида топилади . Бу тақрибий жадвал аниқ ечимнинг тақрибий қийматларидан иборат бўлади.

Бу усуллар ўртасида боғланиш интерполяция ёрдамида амалга оширилади.

Масалан: Тақрибий аналитик ечим жадвалини ҳисоблаш мумкин. Жадвалдан интерполяция асосида тақрибий аналитик кўринишини топиш мумкин.

Тақрибий аналитик усулларга: вариацион-прекцион, коллокация, Галёркин-Ритц усуллари киради.

Сонли усулларга : чекли айирмали усуллар, айирмали схемалар киради.(ОДТ учун Рунге -Кутта ,Эйлер, такомиллашган Эйлер усуллари).

(1),(2) масаланинг тақрибий аналитик ечимини топиш учун [a,b] да аниқланган $\{\varphi_i(x),\ \ i=0,1,...,n,...,\}$ базис функциялар кетма-кетлигини топиш талаб этиладики, қуйидаги шартлар бажарилсин:

1) $\{\varphi_i(x),\ \ i=0,1,...,n,...,\}$ [a,b] да иккинчи тартибли узлуксиз ҳосилаларга эга;

2) $\varphi_0(x)$ функция (2) чегара шартларни қаноатлантиради;

3) $\{\varphi_i(x),\ \ i=0,1,...,n,...,\}$ [a,b] да эркли тўлиқ функциялар системасини ташкил этади, яъни агар бирор функция ϕ (x) учун

$$\int_a^b \phi(x)\varphi_i(x)dx = 0 \qquad ,i=1,2,......$$

шартлар бажарилса ϕ (x)=0 тенглик келиб чиқиши керак.

Маълумки, $\{x^i, x\in[a,b]\}$, $\{\cos(x^i),\sin(x^i),\ \ x\in[0,2\pi]\}$ функциялар тўлиқ функциялар системасини ташкил этади. Бу Вейерштрасснинг узлуксиз функцияларни кўпҳадлар билан аппроксимация қилиш хақидаги теоремасидан келиб чиқади.

Базис функциялар танлангач тақрибий аналитик ечим қуйидаги кўринишда изланади:

$$u_n(x) = \varphi_0(x) + \sum_{j=1}^{n} c_j\varphi_j(x) \qquad (3)$$

Танлаб олинганга мувофиқ тақрибий аналитик ечим $u_n(x)$ (2) чегара шартларни қаноатлантиради: $l_0u_n(x)=\gamma_0, \qquad l_1u_n=\gamma_1.$

Иккита муҳим таъриф киритамиз:

Таъриф: $r_n(x)=u(x)-u_n(x)$ (2.4.4) айирма $u_n(x)$ тақрибий ечимнинг хатолиги дейилади.

Равшанки, Lu(x)=f(x) .(4) дан $u(x)=u_n(x)+r_n(x)$.

Бу тенгликни тенгламага қўямиз: $Lu(x)=Lu_n(x)+Lr_n(x)=f(x)$

Бу ердан $Lu_n(x)-f(x)=-Lr_n(x)$. $Lu_n(x)-f(x)=-Lr_n(x)$

айирма $Lu(x)-f(x)=0$ тенгламадан четланиш дейилади. Четланишни $\phi(x,c_1,...c_n)$ деб белгилаймиз:

$$\phi(x,c_1,...,c_n)=Lu_n(x)-f(x)=L\phi_0(x)-(f(x)-\sum_{j=1}^{n}c_jL\phi_j(x)) \qquad (\quad 5)$$

Таъриф: Агар $c_1,...,c_n$ параметрларнинг баъзи бир қийматларида $\phi(x,c_1,...c_n)=0$ бўлса, $u_n(x)$ (1), (2) масала ечими бўлади ва четланиш $\phi_n(x)=Lu_n(x)-f(x)$ тақрибий ечимнинг аниқ ечимга яқинлик даражасини кўрсатади, лекин тақрибий ечим хатолигига фарқ қилади. Агар f(x)=Lu(x) лигини эътиборга олсак четланишни қуйидагича ёзиб олиш мумкин:

$$\phi(x)=Lu_n(x)-f(x)=L(u_n(x)-u(x))=-Lr_n(x). \quad (6)$$

(4) ва (6) дан тақрибий ечим хатолиги билан четланиш орасидаги фарқ яққол кўриниб турибди. Улар орасида боғлиқлик ҳам бор. Равшанки,

$$\phi_n(x)=-Lr_n(x) \qquad (7)$$

Демак, тақрибий ечим хатолиги (7) дифференциал тенглама ечими экан. Чегара шартлар $r_n(x)$ учун бир жинсли: $l_0 r_n(x)=l_1 r_n(x)=0.$

Турли тақрибий аналитик усу ллар тақрибий ечим коэффициентларини бир биридан танлаб олиш билан фарқ қилади.

3. Коллокация усулида (a,b) интервалдан n та нуқта $x_1,...,x_n$ танлаб олинади, улар коллокация нуқталари дейилади ва коллокация нуқталарида четланиш нолга айланади деб талаб қилинади:

$$\phi_n(x_i)=0, \qquad i=1.2.3....n \quad (8)$$

$n\to\infty$ да бу тенгликлар $\lim\limits_{n\to\infty}\phi_n(x)=0$ муносабатни таъминлайди. (5) дан фойдаланиб бу тенгликларни қуйидагича ёзиб олиш мумкин:

$$\sum_{j=1}^{n} c_j L_j \varphi_j(x_i)=f(x_i)-L\varphi_0(x_i) \quad (9)$$

ёки батафсилроқ ёзсак:

$$\begin{cases} c_1L\varphi_1(x_1)+c_2L\varphi_2(x_1)+.........+c_nL\varphi_n(x_1)=f(x_1)-L\varphi_0(x_1), \\ c_1L\varphi_1(x_2)+c_2L\varphi_2(x_2)+.........+c_nL\varphi_n(x_2)=f(x_2)-L\varphi_0(x_2), \\ c_1L\varphi_1(x_3)+c_2L\varphi_2(x_3)+.........+c_nL\varphi_n(x_3)=f(x_3)-L\varphi_0(x_3), \\ .... \\ c_1L\varphi_1(x_n)+c_2L\varphi_2(x_n)+.........+c_nL\varphi_n(x_n)=f(x_n)-L\varphi_0(x_n), \end{cases} \qquad (10)$$

Агар (10) система ечимга эга бўлса, тақрибий аналитик ечим (3) топилади.

4. Энг кичик квадратлар усулида четланиш квадратидан олинган интеграл $c_1,...,c_n$ ларда энг кичик қиймат қабул қилиш талаб қилинади, яъни

$$I=\int_a^b[\phi_n(x)]^2dx=\int_a^b[\phi_n(x,c_1,c_2......,c_n)]^2dx$$

$$\min_{\{c_i\}} I(c_1,c_2,.....c_n)=I(c_1^{\,0},...,c_n^{\,0})$$

бўлиши талаб қилинади. Минимумга эришишнинг зарурий шарти $dI/dc_i=0, \quad i=1,...,n$ ни талаб қилиб ушбу системага келамиз:

$$\sum_{j=1}^{n} c_j(L\varphi_j,L\varphi_i)=(f-L\varphi_0,L\varphi_i), \qquad i=1,2,....n \qquad (11)$$

бу ерда

$$(L\varphi_j,L\varphi_i)=\int_b^a L\varphi_j(x)L\varphi_i(x)dx, \quad i,j=1,...n$$

Агар $L\varphi_j,...,L\varphi_n$ функциялар чизиқли эркли бўлса (11) ягона ечимга эга.

Амалий жиҳатдан (9) осонроқ ечилади, (11) эса қийинроқ ечилади, чунки интегралларни ҳисоблаш зарур.

Мисол 1. $Lu = u'' + u = -x,\quad 0 \le x \le 1,\ u(0)=0,\ u(1)=0,$ масалани қарайлик, аниқ ечим $u(x) = \sin(x)/\sin(1) - x$.

Ечиш. Равшанки, $\varphi_0(x) = 0, \quad \varphi_i(x) = x^i(1-x), \qquad i = 1,2,...,n$ базис ечим бўла олади. n=2 дейлик. У ҳолда

$$\varphi_1(x) = x(1-x) = x - x^2, \qquad \varphi_2(x) = x^2(1-x) = x^2 - x^3,$$
$$u_1(x) = c_1\varphi_1(x) + c_2\varphi_2(x) = c_1x(1-x) + c_2x^2(1-x),$$
$$L\varphi_1 = \varphi_1'' + \varphi_1 = 2 + x - x^2,$$
$$L\varphi_2 = \varphi_2'' + \varphi_2 = 2 - 6x - x^2 - x^3, \qquad L\varphi_0 = 0$$

коллокация нуқталари сифатида $x_1 = 1/4, \quad x_2 = 3/4$ ларни оламиз.

Шунинг учун

$$L\varphi_1(x_1) = -29/16,\ L\varphi_2(x_1) = 5/16,\ f(x_1) = -1/4$$
$$L\varphi_1(x_2) = -29/16,\ L\varphi_2(x_2) = -43/16,\ f(x_2) = -3/4$$

натижада қуйидаги системага келамиз:

$$\begin{cases} -29/16c_1 + 5/16c_2 = -1/4 \\ -29/16c_1 - 43/16c_2 = -3/4 \end{cases} \quad ёки \quad \begin{cases} -29c_1 + 5c_2 = -64 \\ -29c_1 - 43c_2 = -12 \end{cases}$$

Буерда $c_1 = -19.6 - 29, \quad c_2 = -1.16$, яъни $u_2(x) = -19/183x(1-x) - 1/16x^2(1-x).$

Коллокация, энг кичик квадратлар усулини қўллаш учун қуйидаги алгоритмга мурожаат мурожаат қилиш мумкин:

1) Кириш ,
2) нуқталар сони n ни ва тақрибий ечим қиймати ҳисобланадиган нуқтани киритиш,
3) коллокация нуқталари $\{x_i\}$,i=1,...,n, ни киритиш,
4) аниқловчи тенгламалар системаси коэффицентларини киритиш $a_{ij}=L\varphi_j(x_i), a_{in+1}=f(x_i)- L\varphi_0(x_i)$,i,j=1,...,n,
5) Гаусс қисм программаси га мурожаат қилиб ноъмалум коэффицентларни ҳисоблаш.
6) $u_n(x)$ ни ҳисоблаш
7) $c_1,...,c_n,u_n(x)$ ларни чиқариш.
8) Тамом.

Коллакация усулининг MathCAD даги дастури

$u''(t) + p(t)u'(t) + q(t)u(t) = f(t) \qquad p(t) := \sin(t)\ q(t) := \cos(t)\ f(t) := 6t + 3t^2\sin(t) + t^3\cos(t)$

Оралиқ, параметрлар $\quad \pi$:=3.14 φ_0(t)=1 n:=5 i:=1..n j:=1..5 t_0:=0 t_n:=1

Қадам, базис функция $\quad$ h:=(t_n-t_0)/n φ(j,t):=sin(j* π*t) i:=1..n Origin:=0

ЧАТС элементлари $\quad \psi(j,t) := \varphi''(j,t) + p(t)\varphi'(t) + q(t)\varphi(t)$

$$\chi(t) := f(t) - \varphi_0''(t) - p(t)\varphi_0'(t) - q(t)\varphi_0(t) \qquad a_{i,j} := \psi(j,t_i) \quad b_i := \chi(t_t)$$

A матрица b ўнг томон $\quad A := \begin{bmatrix} a_{1,1} & a_{1,2} & a_{1,3} & a_{1,4} & a_{1,5} \\ a_{2,1} & a_{2,2} & a_{2,3} & a_{2,4} & a_{2,5} \\ a_{3,1} & a_{3,2} & a_{3,3} & a_{3,4} & a_{3,5} \\ a_{4,1} & a_{4,2} & a_{4,3} & a_{4,4} & a_{4,5} \\ a_{5,1} & a_{5,2} & a_{5,3} & a_{5,4} & a_{5,5} \end{bmatrix} \quad b := \begin{bmatrix} b_1 \\ b_2 \\ b_3 \\ b_4 \\ b_5 \end{bmatrix}$

Коэффициентлар $c := A^{-1}b \quad c := \begin{bmatrix} -0.381 & 0.058 & -0.011 & 0.0004666 & -0.0000987 \end{bmatrix}^T$

Ечим $u(t) := \varphi_0(t) + \sum_{j=1}^{5} c_j \varphi(j,t)$

Қийматлар $u(0.2) = 0.013$ $u(0.4) = 0.056$ $u(0.6) = 0.067$ $u(0.8) = 0.034$

Натижа тўғрилиги кўриниб турибди.

5. Назарий саволлар ва топшириқлар.

1.ОДТ учун чегара масалаларини ечиш усуллари қайси группаларга бўлинади?
2.Тақрибий аналитик усулларни санаб беринг.
3.Базис функциялар, тулиқ функциялар системаси нима?
4.Тақрибий ечим хатолиги нима?
5.Тенгламадан четланиш нима? Четланиш билан қандай боғланган?
6.Коллокация усули нима?
7.Энг кичик квадратлар усули нима?

Мундарижага

2.5. ГАЛЁРКИН ВА РИТЦ УСУЛЛАРИ

Асосий тушунчалар: *Базис функциялар, четланиш, тақрибий ечим хатолиги, Галёркин усули, Ритц усули, вариацион -проекцион усуллар.*
Асосий формулалар*:*

1.Галеркин усули: $u_n(x) = \varphi_0(x) + \sum_{j=1}^{n} c_j \varphi_j(x)$

$$\sum_{j=1}^{n} c_j (L\varphi_j, \varphi_i) = (f - L\varphi_0, \varphi_i), \ \ (f, g) = \int_b^a f(x) g(x) dx, \quad i, j = 1,...n$$

2.Ритц усули: $F(u) = (Lu, u) - 2(u, f) = \int_a^b u(x) Lu(x) dx - 2\int_a^b u(x) f(x) dx \to \min$**,**

$$\sum_{j=1}^{n} c_j (L\varphi_j, \varphi_i) = (f - L\varphi_0, \varphi_i),$$

3. Базис фунцияларни танлаш:

1) 1-тур чегара шартлар: u (a)=A, u(b)=B , $\varphi_0^1(x) = A + (B - A)(x - a)/(b - a)$,

а) $\varphi_i(x) = (x - a)^i (b - x), i \ge 1$; б) $\varphi_i(x) = \sin(\dfrac{i(x - a)}{b - a}\pi)$, $\quad i \ge 1.$

2) ***2-тур чегара шартлар****:* u′(a)=A, u′(b)=B ,

$\varphi_0^2(x) = \int \varphi_0^1(x) dx = Ax + (B - A)(x - a)^2 / (2(b - a)) + C$,

а) $\varphi_i(x) = (x - a)^{i+1} (b - x)^2, \ i \ge 1;$ б) $\varphi_i(x) = Cos(\dfrac{i(x - a)}{b - a}\pi), \quad i \ge 1$

3) **3*-тур чегара шартлар****:* $\alpha_0 u(a) + \alpha_1 u'(a) = A, \ \ \beta_0 u(b) + \beta_1 u'(b) = B$,

$\varphi_0(x) = \delta + \gamma(x - a) \Rightarrow \alpha_0 \delta + \alpha_1 \gamma = A, \ \ \beta_0 \delta + (\beta_0 (b - a) + \beta_1)\gamma = B,$

a) $\varphi_i(x) = (x - a)^{i+1} (b - x)^2$, $i \ge 1$; *b)* $\varphi_i(x) = (x - a)^{i+1} [\gamma_i + (x - a)], \ i \ge 1.$

4.Назарий саволлар ва топшириклар

1. Галёркин усули

Тарихан аввал Ритц усули, сўнг Галёркин усули пайдо бўлган. Кейин улар вариацион-проекцион усуллар группаси ёки Галёркин усуллар группаси деб атала бошланди. Галёркин усулида ҳам Ритц усулида ҳам тақрибий аналитик ечим қуйидаги кўринишда изланади:

$$u_n(x) = \varphi_0(x) + \sum_{j=1}^{n} c_j \varphi_j(x), \tag{1}$$

бу ерда $\{\varphi_j(x)\}$ базис функциялар,

$$l_0\varphi_0(x) = \gamma_0, \quad l_1\varphi_0(x) = \gamma_1, \quad l_0\varphi_i(x) = l_i\varphi_i(x) = 0, \quad i = 1, 2, ..., n. \ .$$

Четланиш ва тақрибий ечим хатолигини киритамиз:

$$\phi_n(x) = \phi_n(x, c_1, c_2, .., c_n) = Lu_n(x) - f(x) = L\varphi_0(x) + \sum_{j=1}^{n} c_j L\varphi_j(x) - f(x); \tag{2}$$

$$r_n(x) = r_n(x, c_1, c_2, .., c_n) = u(x) - u_n(x) \tag{3}$$

Галеркин усулида четланиш $\phi_n(x)$ базис функцияларга ортогонал қилиб олинади:

$$\int_a^b \phi_n(x)\varphi_i(x)dx = 0, \qquad i = 1,2,...,n. \qquad (4)$$

ёки батафсилроқ

$$\sum_{j=1}^{n} \mathrm{c_j}(\mathrm{L}\varphi_j,\varphi_i) = (f - L\varphi_0,\varphi_i), \qquad i = 1,...n. \qquad (5)$$

бу ерда яна (f,g)-скаляр кўпайтма

$$(L\varphi_j,\varphi_i) = \int_a^b L\varphi_j(x)\varphi_i(x)dx, \quad i, j = 1,..n\,.$$

Базис функцияларнинг тўлиқлиги четланишни тобора нолга интилишига сабаб бўлади:

$$\lim_{n\to\infty} \phi_n(x) = 0 \qquad (6)$$

яъни $u_n(x),\ n \to \infty$ да тобора Lu=f тенгламани қанотлантириб боради.

Мисол. Яна ўша мисолни қарайлик

$$Lu = u'' + u = -x, \quad 0 \le x \le l,\ u(0) = 0,\ u(l) = 0\,.$$

n=2 дейлик. У ҳолда $c_1,\ c_2$ коэффицентлар

$$c_1(L\varphi_1,\varphi_1) + c_2(L\varphi_2,\varphi_1) = (f,\varphi_1), c_1(L\varphi_1,\varphi_2) + c_2(L\varphi_2,\varphi_2) = (f,\varphi_2),$$

системадан топилади. Равшанки,

$$L(\varphi_1,\varphi_1) = \int_0^1 (-2 + x(1-x))x(1-x)dx, \quad L(\varphi_2,\varphi_1) = \int_0^1 (2 - 6x + x^2(1-x))x(1-x)dx$$

$$L(\varphi_1,\varphi_2) = \int_0^1 (-2 + x(1-x))x^2(1-x)dx,\ L(\varphi_2,\varphi_1) = \int_0^1 -(2 + 6x + xL2(1-x))x^2(1-x)dx$$

$$(f,\varphi_1) = -\int_0^1 x^2(1-x)dx, \quad (f,\varphi_2) = \int_0^1 x^3(1-x)dx$$

Интегралларни ҳисоблаб қуйидаги системага келамиз:

$$3c_1/10 + 3c_2 = 1/12, \ \ 3c_1/20 + 13c_2/105 = 1/20.$$

Бу системанинг ечими $c_1 = 71/369, \quad c_2 = 7/41$

Демак, тақрибий ечим қуйидагича бўлар экан

$$u_2(x) = x(1-x)(71/369 + 7x/41).$$

2.Ритц усули.

Ушбу интегрални қараймиз:

$$F(u) = (Lu,u) - 2(u,f) = \int_a^b u(x)Lu(x)dx - 2\int_a^b u(x)f(x)dx$$

Афсуски**,** Ритц усулида операторга янги шарт қўйиш керак. Масалан**,** оператор симметрик ва мусбат аниқланган бўлиши керак:

(Lu,v)=(u,Lv), (Lu,u) A(u,u),c>0, u,v.

Ана шундай ҳолдагина Ритц усули тенгламалари системаси Галеркин усули системаси билан устма-уст тушади. Лекин Ритц усули назарий жиҳатдан қулай яқинлашиш имкониятларига эга.

Теорема 1.Агар v(x) функция Lv=f(x) тенглама ечими бўлса,у F(u) функционалга энг кичик қиймат беради (ва аксинча,минимал функция тенглама ечими бўлади).

Исбот. w=v+u янги функцияни қарайлик.

Равшанки,

$$F(w) = (Lw, w) - 2(w, f) = F(v) + 2(Lv - f, u) + (Lu, u) = F(v) + (Lu, u) \geq F(v)$$

Демак, *F(v)* миқдор *F(w)* лар ичида энг кичик экан. Бу теорема квадратик функционалнинг минимуми ҳақидаги теорема дейилади.

Теорема натижаси сифатида *Lu=f(x)* тенглама ечимини (1) кўринишда излаб номаълум коэффитсиентларни $F(u_n)$ функционалга энг кичик қиймат бериш шартидан топилади (теореманинг акси ҳам ўринли,уни мустақил исботланг). Равшанки,

$$F(u_n) = (Lu_n, u_n) - 2(u_n, f) = (L\varphi_0 + \sum_{j=1}^{n} c_j L\varphi_j, \varphi_0 + \sum_{j=1}^{n} c_j \varphi_j) - 2(\varphi_0 + \sum_{j=1}^{n} c_j \varphi_j, f) =$$

$$= (L\varphi_0, \varphi_0) + \sum_{j=1}^{n} c_j (L\varphi_j, \varphi_0) + \sum_{j=1}^{n} c_j (L\varphi_0, \varphi_j) +$$

$$+ \sum_{j=1}^{n} \sum_{i=1}^{n} c_j c_i (L\varphi_j, \varphi_i)) - 2(\varphi_0, f) - 2\sum_{j=1}^{n} c_j (\varphi_j, f),$$

$$dF(u_n)/dc_i = 2\sum_{j=1}^{n} c_j (L\varphi_j, \varphi_i) - 2(L\varphi_0 - f, \varphi_i) = 0, \quad i = 1, 2........n.$$

ёки

$$\sum_{j=1}^{n} c_j (L\varphi_j, \varphi_i) = (f - L\varphi_0, \varphi_i), \; i = 1, ..., n$$

Шундай қилиб Ритц тенгламалар системаси $(Lu, u) \geq c(u, u)$, $(Lu, v) = (u, Lv)$ шартларда Галеркин тенгламалар системаси билан устма уст тушар экан.

Галеркин усулида (Lu,v)=(u,Lv), (Lu,u)≥c(u,u), шартлар талаб қилинмайди.

3. Базис фунцияларни танлаш

1-тур чегара шартлар: $u(a) = A, u(b) = B$.

$$\varphi_0(x) = A + \frac{B - A}{b - a}(x - a) \qquad (\varphi_0(a) = A, \varphi_0(b) = B)$$

$$a) \;\; \varphi_i(x) = (x - a)^i (b - x), i \geq 1, \; \varphi_i(a) = \varphi_i(b) = 0.$$

$$b) \;\; \varphi_i(x) = \sin(\frac{i(x - a)}{b - a}\pi), \quad i \geq 1 \qquad \varphi_i(a) = \varphi_i(b) = 0.$$

2-тур чегара шартлар: $u'(a) = A, u'(b) = B$

$$\varphi_0(x) = A + \frac{B - A}{b - a}(x - a) \quad ,$$

$$\varphi_0(x) = \int \varphi_0(x)dx = Ax + \frac{B - A}{2(b - a)}(x - a)^2 + C \, , \; (\varphi_0'(a) = A, \;\; \varphi_0'(b) = B).$$

$$a) \;\; \varphi_i(x) = (x - a)^{i+1}(b - x)^2, \;\; i \geq 1$$

$$\varphi_i'(x) = (i + 1)(x - a)^i (b - x)^2 + (x - a)^{i+1}(-1) \cdot 2 \cdot (b - x), \qquad \varphi_i'(a) = \varphi_i'(b) = 0.$$

$$b) \;\; \varphi_i(x) = Cos(\frac{i(x - a)}{b - a}\pi), \quad i \geq 1, \quad (\varphi_i'(x) = -\frac{i\pi}{b - a} Sin(\frac{i(x - a)}{b - a}\pi, \;\; \varphi_i'(a) = \varphi_i'(b) = 0.$$

3-тур чегара шартлар: $\alpha_0 u(a) + \alpha_1 u'(a) = A, \;\; \beta_0 u(b) + \beta_1 u'(b) = B$

$$\varphi_0(x)=\delta+\gamma(x-a) => \alpha_0\delta+\alpha_1\gamma=A,\ \beta_0\delta+(\beta_0(b-a)+\beta_1)\gamma=B,$$

$$D=\begin{vmatrix}\alpha_0 & \alpha_1\\ \beta_0 & \beta_0(b-a)+\beta_1\end{vmatrix}\neq 0, D_\delta=\begin{vmatrix}\alpha_0 & A\\ \beta_0 & B\end{vmatrix}, D_\gamma=\begin{vmatrix}A & \alpha_1\\ B & \beta_0(b-a)+\beta_1\end{vmatrix},$$

$$\varphi_0(x)=\delta+\gamma(x-a)=\frac{D_\delta}{D}+\frac{D_\gamma}{D}(x-a)$$

$a)$ $\varphi_i(x)=(x-a)^{i+1}(b-x)^2,\ i\geq 1\ \ (\varphi_i(a)=\varphi_i'(a)=\varphi_i(b)=\varphi_i'(b)=0)$

$b)$ $\varphi_i(x)=\gamma_i(x-a)^{i+1}+(x-a)^{i+2}=(x-a)^{i+1}[\gamma_i+(x-a)],\ i\geq 1.$

$\varphi_i'(a)=\varphi_i'(a)=0\ => \alpha_0\varphi_i(a)+\alpha_1\varphi_i'(a)=0.\ \varphi_i'(x)=(i+1)\gamma_i(x-a)^i+(i+2)(x-a)^{i+1}$

$\beta_0\varphi_i(b)+\beta_1\varphi_i'(b)\ => \beta_0[\gamma_i(b-a)^{i+1}+(b-a)^{i+2}]+\beta_1[(i+1)\gamma_i(b-a)^i+(i+2)(b-a)^{i+1}]=0$

$\beta_0[\gamma_i(b-a)+(b-a)^2]+\beta_1[\gamma_i(i+1)+(i+2)(b-a)]=0\quad =>$

$$\gamma_i=-\frac{\beta_0(b-a)^2+\beta_1(i+2)(b-a)}{\beta_0(b-a)+\beta_1(i+1)},\qquad i\geq 1.$$

Мисол:

$$x^4y''+x^6y'-x^5y=6-3x^3,\quad x\in[1,2]$$

$$y(1)=1,\ 3y(2)+y'(2)=0.5\quad (y=y(x)=\frac{1}{x^2})$$

Ечиш: 1) $\varphi_0(x)=\delta+\gamma x$

$\delta+\gamma=1,\ 3(\delta+2\gamma)+\gamma=0.5, => 3\delta+7\gamma=0.5,\ \ 3\delta+3\gamma=3\ =>$

$4\gamma=-2.5=-\frac{5}{2},\ \ \gamma=-\frac{5}{8},\ \ \delta=\frac{13}{8},\ \ \varphi_0(x)=\frac{13}{8}-\frac{5}{8}x,$

2) $\varphi_i(x)=(x-1)^{i+1}(2-x)^2,\ \ i\geq 1,\ \ \varphi_i(2)=0,$

$\varphi_i'(x)=(i+1)(x-1)^i(2-x)^2+(x-1)^{i+1}\cdot 2(-1)(2-x),\ \ \varphi_i'(2)=0,\ => 3\varphi_i(2)+\varphi_i'(2)=0$

3) $u_2(x)=\varphi_0(x)+c_1\varphi_1(x)+c_2\varphi_2(x)$

3. Назарий саволлар ва топшириқлар

1. Галеркин усулининг моҳияти нимада?
2. Ритц усулининг моҳияти нимада?
3. Қандай оператор симметрик дейилади?
4. Қандай оператолр мусбат аниқланган дейилади?
5. Қандай операторлар учун Ритц ва Галеркин усули бир хил.?
6. Квадратик функционалнинг минимуми ҳақидаги теоремани айтиб беринг.

Мундарижага

Галёркин усулининг MathCAD даги дастури

$u''(t) + p(t)u'(t) + q(t)u(t) = f(t) \quad p(t) := \sin(t) \; q(t) := \cos(t) \; f(t) := 6t + 3t^2 \sin(t) + t^3 \cos(t)$

Оралиқ, параметрлар π:=3.14 φ_0(t)=1 n:=5 i:=1..n j:=1..5 t_0:=0 t_n:=1

Қадам, базис функция h:=(t_n-t_0)/n φ(j,t):=sin(j* π*t) i:=1..n Origin:=0

ЧАТС элементлари $\psi(j,t) := \varphi''(j,t) + p(t)\varphi'(t) + q(t)\varphi(t)$

$\chi(t) := f(t) - \varphi_0''(t) - p(t)\varphi_0'(t) - q(t)\varphi_0(t) \quad a_{i,j} := \int_0^1 \varphi(i,t)\psi(j,t)dt \quad b_i := \int_0^1 \chi(t)\psi(i,t)dt$

A матрица, b ўнг томон $A := \begin{bmatrix} a_{1,1} & a_{1,2} & a_{1,3} & a_{1,4} & a_{1,5} \\ a_{2,1} & a_{2,2} & a_{2,3} & a_{2,4} & a_{2,5} \\ a_{3,1} & a_{3,2} & a_{3,3} & a_{3,4} & a_{3,5} \\ a_{4,1} & a_{4,2} & a_{4,3} & a_{4,4} & a_{4,5} \\ a_{5,1} & a_{5,2} & a_{5,3} & a_{5,4} & a_{5,5} \end{bmatrix} \quad b := \begin{bmatrix} b_1 \\ b_2 \\ b_3 \\ b_4 \\ b_5 \end{bmatrix}$

Коэф. -р $c := A^{-1}b \quad c := [-0.381 \quad 0.058 \quad -0.011 \quad 0.0004666 \quad -0.0000987]^T$

Ечим $u(t) := \varphi_0(t) + \sum_{j=1}^{5} c_j \varphi(j,t)$

Қийматлар $u(0.2) = 0.013 \quad u(0.4) = 0.062 \quad u(0.6) = 0.073 \quad u(0.8) = 0.042$

Энг кичик квадратлар усули

$u''(t) + p(t)u'(t) + q(t)u(t) = f(t) \quad p(t) := \sin(t) \; q(t) := \cos(t) \; f(t) := 6t + 3t^2 \sin(t) + t^3 \cos(t)$

Оралиқ, параметрлар π:=3.14 φ_0(t)=1 n:=5 i:=1..n j:=1..5 t_0:=0 t_n:=1

Қадам, базис функция h:=(t_n-t_0)/n φ(j,t):=sin(j* π*t) i:=1..n Origin:=0 *ЧАТС элементлари* $\psi(j,t) := \varphi''(j,t) + p(t)\varphi'(t) + q(t)\varphi(t)$

$\chi(t) := f(t) - \varphi_0''(t) - p(t)\varphi_0'(t) - q(t)\varphi_0(t) \quad a_{i,j} := \int_0^1 \psi(i,t)\psi(j,t)dt \quad b_i := \int_0^1 \chi(t)\psi(i,t)dt$

A матрица, b ўнг томон $A := \begin{bmatrix} a_{1,1} & a_{1,2} & a_{1,3} & a_{1,4} & a_{1,5} \\ a_{2,1} & a_{2,2} & a_{2,3} & a_{2,4} & a_{2,5} \\ a_{3,1} & a_{3,2} & a_{3,3} & a_{3,4} & a_{3,5} \\ a_{4,1} & a_{4,2} & a_{4,3} & a_{4,4} & a_{4,5} \\ a_{5,1} & a_{5,2} & a_{5,3} & a_{5,4} & a_{5,5} \end{bmatrix} \quad b := \begin{bmatrix} b_1 \\ b_2 \\ b_3 \\ b_4 \\ b_5 \end{bmatrix}$

Коэф. -р $c := A^{-1}b \quad c := [-0.381 \quad 0.058 \quad -0.011 \quad 0.0004666 \quad -0.0000987]^T$

Ечим $u(t) := \varphi_0(t) + \sum_{j=1}^{5} c_j \varphi(j,t)$

Қийматлар $u(0.2) = 0.013 \quad u(0.4) = 0.063 \quad u(0.6) = 0.074 \quad u(0.8) = 0.043$

Усулларнинг қийматларини нуқталарда солиштирамиз:

Усуллар/Нуқталар	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9
Коллокация	-10E-3	0.013	0.035	0.056	0.056	0.067	0.054	0.034	0.015
Галёркин	-10E-3	0.013	0.038	0.062	0.074	0.073	0.061	0.042	0.021
ЭКК усули	-10E-3	0.013	0.039	0.063	0.075	0.074	0.062	0.043	0.022

Изоҳ. Коллокация, Галёркин, ЭКК усулларининг дастурини бирлаштириш мумкин**.** У ҳолда дастур анчагина компактлашади.

2.6.ОДТ УЧУН ЧЕКЛИ АЙИРМАЛАР УСУЛИ (ЧЕКЛИ АЙИРМАЛИ СХЕМА-ЧАС)

Асосий тушунчалар: *ЧАС, тўр, тўр функция, ЧАС ҳосил қилиш усули.*
Асосий формулалар:
1. ОДТ учун чекли айирмали схема (ЧАС):

$$\begin{cases} L_h u^h = \left\{ \dfrac{u_{i-1} - 2u_i + u_{i+1}}{h^2} + p_i \dfrac{u_{i+1} - u_{i-1}}{2h} + q_i u_i = f_i,\ i = 0,...,n-1, \right\} = f^h \\ l_h u^h = \{l_{0h}u^h, l_{1h}u^h\} = \{\alpha_0 u_0 + \alpha_1 \dfrac{u_1 - u_0}{h}, \beta_0 u_n + \beta_1 \dfrac{u_n - u_{n-1}}{h}\} = g^h = \{\gamma_0, \gamma_1\}. \end{cases}$$

2. Чекли айирмали схемани ечишнинг прогонка (ҳайдаш) усули:

$$b_0 u_0 + c_0 u_1 = d_0, a_i u_{i-1} + b_i u_i + c_i u_{i+1} = d_i,\ \ i = 1,...,n-1, a_n u_{n-1} + b_n u_n = d_n$$

$$\begin{cases} v_{i+1} = -c_i / [a_i v_i + b_i], w_{i+1} = [d_i - a_i u_i] / [a_i v_i + b_i],\ \ i = 1,...n-1, v_0 = w_0 = 0, \\ u_n = [d_n - a_n u_n] / [a_n v_n + b_n], u_i = v_{i+1} u_{i+1} + w_{i+1}, i = n-1, n-2, ..., 0. \end{cases}$$

3. Чели айирмали схемани ечиш учун прогонка усулининг дастури
4. Назарий саволлар ва топшириқлар

1. Чекли айирмали схема ҳосил қилиш усули.

Иккинчи тартибли дифференциал тенглама учун чегара масалани қараймиз:

$$Lu \equiv u'' + p(x)u' + q(x)u = f(x), a \le x \le b, \qquad (1)$$

$$\alpha_0 u(a) + \alpha_1 u'(a) = \gamma_0, \beta_0 u(b) + \beta_1 u'(b) = \gamma_1. \qquad (2)$$

(1), (2) ОДТ учун чегара масала дейилади. (1)-иккинчи тартибли чизиқли ОДТ, (2)-эса чегара шартлар дейилади. (D=[a,b] кесма дифференциал чегара масаланинг берилиш соҳаси, ($\overset{0}{D} = (a,b)$ -дифференцал тенгламанинг берилиш соҳаси, $\Gamma = \partial D = \{a,b\}$ - D-кесманинг чегара нуқталари)-чегара шартлар берилган соҳа.

Фараз қиламизки, p(x), q(x), f(x)$\in$C[D],D=[a,b].

(1), (2)-дифференциал тенглама ва чегара шартларни қаноатлантирувчи $u = u(x) \in C^2[a,b]$ функция чегара масаланинг (аниқ) ечими дейилади. Афсуски уни доимо аниқ топиб бўлмайди.Шунинг учун чегара масалани тақрибий ечамиз.

(1), (2) чегара масалани тақрибий ечиш учун уни мос чизиқли алгебрик тенгламалар системасига -чекли айирмали схемага-ЧАС га келтирамиз.

ЧАС тузиш технологияси қуйидагидан иборат:

1) D= [a,b] узлуксиз соҳада $D_h = \{x_i\} = \{x_i = a + ih,\ h = (b-a)/n, i = 0,1,...,n\}$, ***тўр ясаймиз. 2)Дифференциал узлуксиз масалани тўр нуқталарида ёзамиз. 3) узлуксиз ҳосилаларни чекли айирмали ҳосилалар билан алмаштирамиз. 4)Чексиз кичик миқдорларни ташлаб юбориб ЧАС-чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ҳосил қиламиз 5)ЧАС ни ечиб ечимнинг тақрибий жадвалини топамиз.***

Тўрдагина аниқланган функцияни тўр функция дейилади ва f_h кўринишда белгиланади, масалан, $f_h(x) = [f(x_0),..., f(x_n)]$. $\bar{u}(x)$ аниқ ечимнинг $D_h = \{x_i\}$ тўрдаги қийматларини $\bar{u}_h(x)=[\bar{u}(x_i),i=0..n]= [\bar{u}_i,i=0..n]$ деб, белгилаймиз. Бирор $\bar{u}_h$ тўр функцияга яқинроқ ихтиерий тўр функцияни u_h деб белгилаймиз, масалан $u_h = [u_0,...,u_n] \in R^{n+1},\ u_i \approx \bar{u}(x_i),\ \ i = 0,1,...,n$.

Келишув: $\bar{u}_h(x)=[\bar{u}(x_i),i=0..n]= [\bar{u}_i,i=0..n]$ ***-аниқ ечимнинг тўр нуқталаридаги аниқ жадвали (аниқ ечим жадвали),*** $u_h = [u_0,...,u_n] \in R^{n+1}, u_i \approx \bar{u}(x_i),\ \ i = 0,1,...,n,$ ***эса***

унга яқин бўлган бирор тақрибий жадвал (тақрибий ечим жадвали). Одатда u_h тақрибий жадвални биз айирмали схемани ечиб топамиз.

Тўрда аниқланган барча $u_h(x), \quad f_h(x)$ функциялар тўпламини U_h, F_h деб белгилаймиз. $D_h = \{x_i\}$ тўрда яқинлик тушунчаси ушбу нормалар ёрдамида киритилади:

$$\| f_h \|_C = \max_{0\le i\le n} \left| f(x_i) \right|, \| f_h \|_{L_2} = \sqrt{\sum_{i=0}^{n} h[f(x_i)]^2}..$$

(1-2) масалага чекли айирмали схема тузиш учун уни тўр нуқталарида ёзамиз:

$$\bar{u}''(x_i) + p(x_i)\bar{u}'(x_i) + q(x_i)\bar{u}(x_i) = f(x_i), \quad i = 1, ..., n-1, \qquad (3)$$

$$\alpha_0\bar{u}(x_0) + \alpha_1\bar{u}'(x_0) = \gamma_0, \beta_0\bar{u}(x_n) + \beta_1\bar{u}'(x_n) = \gamma_1 \qquad (4)$$

Афсуски, бу ердан $\bar{u}(x_i), \bar{u}'(x_i), \bar{u}''(x_i)$ ларни топиш мумкин эмас,бу ерда ноъмалумлар сони тенгламалар сонидан кўп, шунинг учун $\bar{u}'(x_i), \ \bar{u}''(x_i)$ ҳосилалар тақрибан $u(x_i)$ ларнинг комбинациялари билан алмаштирилади, яъни $\bar{u}'(x_i), \ \bar{u}''(x_i)$ ҳосилалар чекли айримали ҳосилалар билан алмаштирилади. Биз ушбу чекли айирмали ҳосилалар билан танишмиз $\Lambda_x^+ u(x_i)$, $\Lambda_x^- u(x_i)$, $\Lambda_x u(x_i)$, $\Lambda_x^r u(x_i)$, $\Lambda_x^l u(x_i)$, $\Lambda_{xx} u(x_i)$:

$$u'(x_i) = \Lambda_x^+ u(x_i) - \frac{h}{2} u''(\xi_1), \Lambda_x^+ u(x_i) = \frac{u(x_i + h) - u(x_i)}{h}, \quad (5)$$

$$u'(x_i) = \Lambda_x^- u(x_i) + \frac{h}{2} u''(\xi_2), \ \Lambda_x^- u(x_i) = \frac{u(x_i) - u(x_i - h)}{h}, \ (6)$$

$$u'(x_i) = \Lambda_x u(x_i) - \frac{u'''(\xi_3)}{6} h^2, \Lambda_x u(x_i) = \frac{u(x_i + h) - u(x_i - h)}{2h}, \ (7)$$

$$u'(x_0) = \Lambda_x^r u(x_0) + \frac{u'''(\xi_4)}{3} h^2, \Lambda_x^r u(x_0) = \frac{-3u(x_0) + 4u(x_1) - u(x_2)}{2h}, \ (8)$$

$$u'(x_n) = \Lambda_x^l u(x_0) + \frac{u'''(\xi_5)}{3} h^2, \ \Lambda_x^l u(x_0) = \frac{u(x_{n-2}) - 4u(x_{n-1}) + 3u(x_n)}{2h}, \ (9)$$

$$u''(x_i) = \Lambda_{xx} u(x_i) - \frac{u''''(\xi_6)}{24} h^2, \Lambda_{xx} u(x_i) = \frac{u(x_{i-1}) - 2u(x_i) + u(x_{i+1})}{h^2}, \ (10)$$

Бу тенгламадан (5), (6), (9) ларнинг (3), (4) га қўямиз:

$$[\bar{u}(x_{i+1}) - 2\bar{u}(x_i) + \bar{u}(x_i)]/h^2 + p(x_i)[\bar{u}(x_{i+1}) - \bar{u}(x_{i-1})]/2h + q(x_i)\bar{u}(x_i) = f(x_i) + 0(h^2),$$

$$\{\alpha_0\bar{u}(x_0) + \alpha_1(\bar{u}(x_1) - \bar{u}(x_0))/h = \gamma_0(h) + 0(h), \ \beta_0 u(x_n) + \beta_1(\bar{u}(x_n) - \bar{u}(x_{n-1}))/h = \gamma_1 + 0(h).$$

Бу ердан ҳам $\{\bar{u}(x_i)\}$ қийматларини топиб бўлмайди, чунки номаълум чексиз кичик миқдорлар иштирок этаяпти, уларни ташлаб юборамиз, у ҳолда ҳосил бўлган тенгламалар системасини (ЧАС ни) энди $\bar{u}_h = \{\bar{u}(x_i)\}$ лар эмас балки, қандайдир уларга яқин $u_h = \{u(x_i)\} = \{u_i\}$ қаноатлантиради:

$$\frac{u_{i-1} - 2u_i + u_{i+1}}{h^2} + p_i \frac{u_{i+1} - u_{i-1}}{2h} + q_i u_i = f_i, \quad i = 0, ..., n-1, \quad (11)$$

$$\alpha_0 u_0 + \alpha_1 \frac{u_1 - u_0}{h} = \gamma_0, \beta_0 u_n + \beta_1 \frac{u_n - u_{n-1}}{h} = \gamma_1 \qquad (12)$$

(11-12) алгебраик тенгламалар системаси (1- 2) тенгламалар учун чекли айирмали схема (ЧАС) дейилади. (11) да биз $0(h^2)$ хатоликка йўл қўйдик.
(12) да эса O(h) хатоликка йўл қўйдик. Чегара шартларни аниқроқ аппроксимация қилиб чегара шартлар хатолигини ҳам $0(h^2)$ га кўтариш мумкин. Бунинг учун $u'(x_0), \ u''(x_h)$ ларнинг (7), (8) формулалар билан алмаштириш керак. Натижада биз ушбу чекли айирмали схемасини оламиз:

$$\frac{u_{i-1}-2u_i+u_{i+1}}{h^2}+p_i\frac{u_{i+1}-u_{i-1}}{2h}+q_iu_i=f_i, i=0,...,n-1, \qquad (13)$$

$$\alpha_0u_0+\alpha_1\frac{-3u_0+4u_1-u_2}{h}=\gamma_0, \beta_0u_n+\beta_1\frac{u_{n-2}-4u_{n-1}+3u_n}{h}=\gamma_1 \quad (14)$$

Демак, битта тенглама учун бир неча айримали схема тузиш мумкин экан. (1), (2) ва (11-12), (13-14) ларга қараб қуйидаги натижаларни олиш мумкин:

1. Дифференциал масаланинг берилиш соҳаси узлуксиз C=C[a,b]=U фунциялар тўпламини дискрет $C_h=C_h[a,b]=U_h$ функциялар тўплами билан алмаштирилди.

2. $Lu,\ l_0u,\ l_1u$ узлуксиз функциялар тўпламида аниқланган операторлар ўрнига тўр нуқталарида аниқланган чекли айримали операторлар $L_hu^h, l_{0h}u^h, l_{1h}u^h$ қурилади:

$$L_hu^h=\frac{u_{i-1}-2u_i+u_{i+1}}{h^2}+p_i\frac{u_{i+1}-u_{i-1}}{2h}+q_iu_i=f_i, i=1,...,n-1,$$

$$l_{0h}u^h\equiv\alpha_0u_0+\alpha_1\frac{u_1-u_0}{h}=\gamma_0, l_{1h}u^h\equiv\beta_0u_n+\beta_1\frac{u_n-u_{n-1}}{h}=\gamma_1$$

3. (1-2) узлуксиз дифференциал масала ўрнига дискрет (узлуқли), (11-12) (еки (13-14)) ЧАС (алгебраик тенгламалар системаси) қурилади.

Чекли айримали схема (11), (12)ни, агар мумкин бўлса, ечиб тақрибий ечим $u^h=(u_0,...,u_n)$ ни топамиз. Бу ерда учта савол туғилади:

1) Чекли айримали схема ечимга эгами, ечим қандай топилади? 2) Чекли айримали схема турғунми ? 3) Чекли айримали схема ечими u^h u_h га яқинлашадими, $u^h\to u_h$? Бу саволларга келгуси маърузада қуйидаги миқдорлар текширилиб жавоб берилади.

Қуйидаги миқдорларни киритамиз.

$R_h=L_hu_h-f^h=\{L_hu(x_k)-f(x_k), x_k\in D_h\}$-ЧАС нинг аппроксимация хатолиги,

$r_h=l_hu_h-g^h=\{l_hu(x_k)-g(x_k), x_k\in\Gamma_h\}$-чегара шартларнинг аппроксимация хатолиги,

турғунлик: $\|u^h\|_{U_h}\le C_1\|L_hu_h\|_{F_h}+C_2\|l_hu^h\|_{G_h}$, ва яқинлашиш: ε_h (x)=u_h (x)-u^h (x) =0(h^r) .

2 Чекли айирмали схемани ечишнинг прогонка усули

Биринчи савол билан шуғулланамиз, иккинчи ва учинчи савол билан келгуси маърузада шуғулланамиз. (11), (12) ни қуйидагича ёзиб оламиз:

$$\begin{cases} u_0(\alpha_0h-\alpha_1)+\alpha_1u_1=\gamma_0h, \\ (1-p_ih/2)u_{i-1}-(2-q_ih^2)u_i+(1-p_ih/2)u_{i+1}=f_ih^2, \qquad i=1,...,n-1 \\ -\beta_1u_{n-1}+(\beta_0h+\beta_1)u_n=\gamma_ih \end{cases}$$

Биз уч диогналли тенгламалар системасига келдик. Уни албатта прогонка (ҳайдаш) усули билан ечиш мумкин. Ушбу

$$b_0=\alpha_0h-\alpha_1, c_0=\alpha_1, d_0=\gamma_0h,\ a_i=1-p_ih/2, b_i=q_ih^2-2, c_i=1+p_ih/2, d_i=f_ih^2,$$

i=1,…,n-1, $a_n=-\beta_1, b_n=\beta_0h+\beta_1$ белгилашларни киритиб стандарт шаклга келамиз:

$$\begin{cases} b_0u_0+c_0u_1=d_0 \\ a_iu_{i-1}+b_iu_i+c_iu_{i+1}=d_i,\ \ i=1,...,n-1 \\ a_nu_{n-1}+b_nu_n=d_n \end{cases} \qquad (16)$$

Прогонка усулига асосан ечим $u_i=v_{i+1}u_{i+1}+w_{i+1}$ кўринишда изланади, бу ерда:

$$\{v_{i+1}=-c_i/[a_iv_i+b_i], w_{i+1}=[d_i-a_iu_i]/[a_iv_i+b_i],\ i=1,...n-1, v_0=w_0=0, \qquad (17)$$

$$u_n=[d_n-a_nu_n]/[a_nv_n+b_n], u_i=v_{i+1}u_{i+1}+w_{i+1}, i=n-1,n-2,...,0. \qquad (18)$$

(17) прогонка коэффициентларни , (18) эса noъмалумларни аниқлайди.
Ҳисоблашлар ушбу жадвал асосида олиб борилади.

k	$\downarrow x_k = a+kh$	a_k	b_k	c_k	d_k	$w_{i+1} = \frac{d_i - a_i w_i}{a_i v_i + b_i}$	$v_{i+1} = -\frac{c_i}{a_i v_i + b_i}$	$u_i = v_{i+1}u_{i+1} + w_{i+1}$
0		0				0	0	
1								
…								
n-1								
n				0				$u_n = \frac{d_n - a_n w_n}{a_n v_n + b_n} \uparrow$

3. Чекли айирмалар схемаларни прогонка усули билан ечиш дастури

Масалани Маткадда ечиш

$u''(t) + p(t)u'(t) + q(t)u(t) = f(t)$ $p(t) := \sin(t)$ $q(t) := \cos(t)$ $f(t) := 6t + 3t^2 \sin(t) + t^3 \cos(t)$

Оралиқ, параметрлар π:=3.14 n:=10 i:=0..n t_0:=0 t_n:=1 h:=(t_n-t_0)/n $t_i := t_0 + ih$

ЧШ коэффицентлари $\alpha_0 := 1$ $\alpha_1 := 0$ $\gamma_0 :=$

ЧШ коэффицентлари $\beta_0 := 1$ $\beta_1 := 0$ $\gamma_1 :=$

ЧАТС да 0- тенглама коэффицентлари $b_0 = \alpha_0 h - \alpha_1, c_0 = \alpha_1, d_0 = \gamma_0 h,$

ЧАТС да n- тенглама коэффицентлари $a_n = -\beta_1, b_n = \beta_0 h + \beta_1$ $d_n := \gamma_1 h$

i-тенглама коэф. i=1,..,n-1, $a_i = 1 - p_i h/2, b_i = q_i h^2 - 2, c_i = 1 + p_i h/2, d_i = f_i h^2$

Аниқ ечим $z := x^3$

$z(x)^T =$

	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
0	0	$1\cdot10^{-3}$	$8\cdot10^{-3}$	0.027	0.064	0.125	0.216	0.343	0.512	0.729	1

Маткадда 0- тенглама коэффицентлари $m_{0,0}$:=α_0h-α_1 $m_{0,1} := \alpha_1$ $d_0 := \gamma_0 h$

i-тенг. коэф. $i := 1..n-1$ $m_{i,i-1} := 1 - p(x_l)\frac{h}{2}$ $m_{i,i} := b_i$ $m_{i,i+1} := 1 + p(x_l)\frac{h}{2}$ $d_i := f(x_i)h_i^2$

Маткадда n- тенглама коэффицентлари $m_{n,n-1} := \beta_1$ $m_{n,n} := \beta_0 h + \beta_1$ $d_n := \gamma_1 h$

Назорат учун Маткад ойнасида ЧАТС матрицаси ва ўнг томонни экранга чиқарамиз:

m =

	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
0	0.1	0	0	0	0	0	0	0	0	0
1	0.95	-1.999	1.05	0	0	0	0	0	0	0
2	0	0.95	-1.998	1.05	0	0	0	0	0	0
3	0	0	0.95	-1.997	1.05	0	0	0	0	0
4	0	0	0	0.95	-1.996	1.05	0	0	0	0
5	0	0	0	0	0.95	-1.995	1.05	0	0	0
6	0	0	0	0	0	0.95	-1.994	1.05	0	0
7	0	0	0	0	0	0	0.95	-1.993	1.05	0
8	0	0	0	0	0	0	0	0.95	-1.992	1.05
9	0	0	0	0	0	0	0	0	0.95	-1.991
10	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

d =

	0
0	0
1	$6.301\cdot 10^{-3}$
2	0.013
3	0.021
4	0.029
5	0.038
6	0.048
7	0.059
8	0.071
9	0.085
10	0.1

Ечимнинг тўр нуқталардаги қийматларини чиқарамиз: $u := m^{-1}d \qquad u^T =$

	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
0	0	0.526E-3	0.907E-3	0.028	0.065	0.126	0.217	0.344	0.513	0.729	1

4.ЧАС нинг аппроксимация хатолиги.

$R_h = L_h u_h - f^h = \{L_h u(x_k) - f(x_k), x_k \in D_h\}$, $r_h = l_h u_h - g^h = \{l_h u(x_k) - g(x_k), x_k \in \Gamma_h\}$ миқдорларни текширамиз. Равшанки,

$$R_h = L_h u_h - f^h = \{L_h u(x_k) - f(x_k), x_k \in D_h\} =$$

$$\{\frac{u(x_{i-1}) - 2u(x_i) + u(x_{i+1})}{h^2} + p(x_i)\frac{u(x_{i+1}) - u(x_{i-1})}{2h} + q(x_i)u(x_i) - f(x_i), i = 1,...,n-1\} =$$

$$\{u_{xx}(x_i) + 0(h^2) + p(x_i)u_x(x_i) + 0(h^2) + q(x_i)u(x_i) - f(x_i), i = 1,...,n-1\} =$$

$$\{u_{xx}(x_i) + p(x_i)u_x(x_i) + q(x_i)u(x_i) + 0(h^2) - f(x_i), i = 1,...,n-1\} = \{f(x_i) + 0(h^2) - f(x_i)\} = 0(h^2)$$

$$r_h = l_h u_h - g^h = \{l_h u(x_k) - g(x_k), x_k \in \Gamma_h\} =$$

$$\{\alpha_0 u(x_0) + \alpha_1 \frac{u(x_1) - u(x_0)}{h} - \gamma_0, \beta_0 u(x_n) + \beta_1 \frac{u(x_n) - u(x_{n-1})}{h} - \gamma_1\} =$$

$$\{\alpha_0 u(x_0) + \alpha_1 u'(x_0) + 0(h) - \gamma_0, \beta_0 u(x_n) + \beta_1 u'(x_n) + 0(h) - \gamma_1\} =$$

$$\{\gamma_0 + 0(h) - \gamma_0, \gamma_1 + 0(h) - \gamma_1\} = 0(h).$$

5.ЧАС нинг турғунлиги.

(16) ни ЧАС ни қараймиз.Уни Au=f деб ёзиб олиб иккита ўнг томон f_1, f_2 учун $Au_1=f_1$, $Au_2=f_2$ ЧАС ни қараймиз. Фараз қилайлик A^{-1} тескари матрица мавжуд бўлсин. У ҳолда $u_1 - u_2 = A^{-1}(f_1 - f_2)$ ва $\|u_1 - u_2\| \le \|A^{-1}\|\|f_1 - f_2\|$. Демак, агар $\|f_1 - f_2\| \le \delta, \|A^{-1}\| \le C$ бўлса $\|u_1 - u_2\| \le C\delta = \varepsilon$ бўлади ва ЧАС турғун бўлади. Бу ерда асосий масала A^{-1} матрица нормасининг чегараланганлиги экан. Кўрсатиш мумкинки, агар A матрица салмоқли бош диогналга эга бўлса тескари матрица чегараланган бўлади ва ЧАС турғун бўлади.

Лемма 1. Агар A матрица салмоқли бош диогналга эга бўлса тескари матрица чегараланган бўлади.

Исбот.u вектор учун шундай к топайликки, $\|u\| = |u_k|$ бўлсин.У ҳолда

$$\|f\| = \|Au\| = \max_i \left|\sum_{j=1}^n a_{ij}u_j\right| \ge \left|\sum_{j=1}^n a_{kj}u_j\right| \ge (|a_{kk}| - \sum_{j\ne k} a_{kj})\|x\| \ge \min_i(|a_{ii}| - \sum_{j\ne i} a_{ij})\|x\|.$$

A^{-1} мавжуд ва $u = A^{-1} f$ эканлигидан ва норманинг таърифидан қуйидагини топамиз:

$$\left\| A^{-1} \right\| = \sup_{f \neq 0} \frac{\left\| A^{-1} f \right\|}{\| f \|} \leq \left\{ \min_i (|a_{ii}| - \sum_{j \neq i} |a_{ij}|) \right\}^{-1} .$$

Бизда

$$|a_{ii}| - \sum_{j \neq i} |a_{ij}| = \{ |b_0| - |c_0|, |b_i| - |a_i| - |c_i|, i = 1, 2, ..., n-1, |b_n| - |a_n| \} > 0 ,$$

чунки бу шартлар q(x)<0 ва h етарли кичик десак бажарилади.

6.Назарий саволлар ва топшириклар.

1. $u'(x_i)$ ҳосила учун учта тақрибий ҳисоблаш формуласини келтириб чикаринг. Уларни хатоликлари қандай.

2. $u'(x_0), u'(x_n)$ ҳосила учун иккитадан чекли айримали ҳосилаларни келтириб чикаринг. Уларни хатоликлари қандай.

3. $u''(x_i)$ ҳосила учун чекли айримали ҳосилани келтириб чикаринг.Уларни хатоликлари қандай.

4. Чекли айримали схема ҳосил килиш этапларини баён этинг.

5. Чекли айримали схемаларда нечта асосий масала бор.

Мундарижага

2.7. ЧЕКЛИ АЙИРМАЛИ СХЕМАЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Асосий тушунчалар: *четланиш, аппрокимацмя, турғунлик, яқинлашиш, Фллиповнинг яқинлашиш ҳақидаги теоремаси.*
Асасий формулалар:
*1. ЧАС тузиш технологияси:**1)тўр ясаш; 2)ДТ ва ЧШ ни тўрда ёзиш;3)ҳосилаларни чекли айирмали ҳосилалар билан аппроксимация қилиш; 4)чексиз кичик миқдорни ташлаб юбориб алгебраик тенгламалар системаси-ЧАС олиш; 5)ЧАС ни ечиш**.*
2.*Аппрокимация:* $R_h = L_h u_h - f^h = \{L_h u(x_k,t_j) - f(x_k,t_j),(x_k,t_j)\in D_{h\tau}\} = 0(h^{s1}+\tau^{s2})$,.
Турғунлик: $\left\|u^h\right\|_{U_h} \le C_1 \| f_h \|_{F_h}$. *Яқинлашиш:* $\varepsilon_h(x)=\bar{u}_h(x)-u_h(x)$, $\varepsilon_h = 0(h^r)$.
3.Филлиповнинг яқинлашиш теоремаси. Аппроксимация+турғунлик→яқинлашиш
4.Аппрокимацияни текшириш.
5. Турғунликни текшириш.
6.Назарий саволлар ва топшириклар.

1. Дифференциал чегара масала (ДМ).

D соҳа (x,y) текисиликнинг бирор G чегара билан ажратилган қисми бўлсин. D соҳада иккита дифференциал оператор берилган бўлсин:

$$l_0 u(x,y) = l_0(u) = l_0(u,u_x,u_u,u_{xx},u_{xy},u_{yy}) = au_{xx} + 2bu_{xy} + cu_{yy} + 2du_x + 2eu_y + g = f_0(x,y),$$

$$l_1 u(x,y) = l_1(u) = l_1(u,u_x,u_y) = \alpha u + \beta u_n = f_1(x,y), \quad u_n = \frac{\partial u}{\partial n}.$$

Бу ерда a,b,c,d,e,g,α, β функциялар x,y ўзгарувчиларга боғлиқ: a=a(x,y),…, $l_0 u = f_0$ -ДТ-дифференциал тенглама, $l_1 u = f_1$-ЧШ-бошланғич-чегара шарт.
ДМ ни содда қилиб компакт кўринишда ёзиб олиш мумкин:

$$Lu = f, \tag{1}$$

$$Lu = [l_0 u, l_1 u]^T, \quad f = [f_0, f_1]^T, \; Lu = L(u) = L(u,u_x,u_y,u_{xx},u_{xy},u_{yy}).$$

(1) чегара масалани қаноатлантирадиган $\bar{u} = \bar{u}(x,y)$ функцияни ДМ нинг аниқ ечими деб айтамиз: $l_0\bar{u} = f_0$, $l_1\bar{u} = f_1$ ёки $L\bar{u} = f, \forall(x,y)\in D+G$.

2. **Чекли айирмали схема** (ЧАС). $\bar{D} = D+G$ соҳага қарашли дискрет $D_h = \{M_h = (x_k,y_k), k = 0,1,...,m\}$ нуқталар тўпламини қараймиз ва уни соҳада тўр деб атаймиз, бу ерда h параметр $\bar{D}$ соҳадаги нуқталар сонини ва зичлигини характерлайди, масалан, $h = 1/m$, $M_h = (x_k,y_k)$-нуқталар тўрнинг тугун нуқталари дейилади. Тўрда аниқланган функция тўр функция дейилади. U деб $\bar{D}$ соҳада аниқланган функциялар тўпламини тушунайлик. U_h деб D_h тўрда аниқланган u_h функциялар тўпламини белгилайлик. U ва U_h орасидаги боғланиш узлуксиз функциянинг тўрдаги қийматлар жадвалини

$$p_h u = u_h, \; p_h u(x,y) = u_h = \{u(x_k,y_k), k = 0,...,m\}, u\in U, u_h \in U_h,$$

берадиган оператор-проектор орқали ўрнатилади.
Келишув: $\bar{u}_h = \{\bar{u}(x_k,y_k), k = 0,...,m\}$ ***деб тўрдаги аниқ ечим жадвалини,*** $u_h = \{u(x_k,y_k), k = 0,...,m\}$ ***деб унга яқин бўлган тақрибий ечим жадвални белгилаб оламиз:*** $u_h \approx \bar{u}_h$. ***Одатда*** $\bar{u}_h - u_h \to 0(h^r), h\to 0$ ***деб талаб қилинади.***

u_h тақрибий ечимни яратиш учун $Lu = f$ ДМ ўрнига u_h га нисбатан

$$L_h u_h = f_h \tag{2}$$

чекли айирмали схема-сонли тенгламалар системаси тузилади, бу ерда

$f_h = p_h f$, $L_h u_h = L(u_h) = L(u_h, \Lambda_x u, \Lambda_y u, \Lambda_{xx} u, \Lambda_{xy} u, \Lambda_{yy} u)$, $\Lambda_x u, \Lambda_y u, \Lambda_{xx} u, \Lambda_{xy} u, \Lambda_{yy} u$ - $u_x, u_y, u_{xx}, u_{xy}, u_{yy}$ ҳосилалар учун чекли айирмали ҳосилалар. Агар $f \in F$ бўлса $F_h = \{f_h\}$ тўр функциялар тўплами ҳам U_h га ўхшаб киритилади. U_h, F_h фазоларда U, F даги $\|\cdot\|_U$, $\|\cdot\|_F$ нормалар каби $\|\cdot\|_{U_h}$, $\|\cdot\|_{F_h}$ нормалар киритилади. Одатда жуда суҳим бўлган мослик шарти талаб қилинади:

$$\lim_{h\to 0}\|u_h\|_{U_h} \to \|u\|_U, \ \lim_{h\to 0}\|f_h\|_{F_h} \to \|f\|_F \qquad (3)$$

Таъриф1. Агар ЧАС хатолиги $\varepsilon_h = \bar{u}_h - u_h \to 0, h \to 0$ бўлса ЧАС яқинлашувчи, агар $\|\bar{u}_h - u_h\|_{U_h} \le Ch^s$ бўлса бу яқинлашиш s-тартибли дейилади.

Таъриф 2. Агар $L_h \bar{u}_h = f_h + R_h, R_h \to 0, h \to 0$ бўлса ЧАС $Lu = f$ ДМ ни ечимда аппроксимация қилади дейилади. $R_h = L_h \bar{u}_h - f_h$ ЧАСнинг ечимдаги аппроксимация хатолиги дейилади. Агар $\|R_h\|_{F_h} \le Mh^\sigma$ бўлса, ЧАС ДМни σ тартиб билан аппроксимация қилади дейилади.

Фараз қилайлик L_h чекли айирмали оператор чизиқли бўлсин.

Таъриф 3. Айирмали схема $L_h u_h = f_h$ ечими мавжуд бўлиб

$$\|u_h\|_{U_h} \le M\|f_h\|_{F_h} \qquad (4)$$

тенгсизлик бажарилса, яъни берилганларнинг кичик ўзгаришлари ечимнинг кичик ўзгаришларига сабаб бўлса, ЧАС турғун дейилади.

3. **ЧАС нинг яқинлашиши ҳақидаги Филлипов теоремаси.**

Теорема 1 (А.Ф. Филлипов). $L_h u_h = f_h$ ЧАС $Lu = f$ ДМ ни ечимда s тартиб билан аппроксимация қилсин ва турғун бўлсин. У ҳолда ЧАС s тартиб билан яқинлашувчи бўлади, яъни $\|\bar{u}_h - u_h\|_{U_h} \le C_1 h^s$ тенгсизлик ўринли:

Аппроксимация+турғунлик→яқинлашиш.

Исбот. Апроксимация ва турғунлик шартига кўра $\|R_h\|_{F_h} \le Ch^s$, $\|u_h\|_{U_h} \le M\|f_h\|_{F_h}$. $R_h = L_h \bar{u}_h - f_h$. Лекин, $R_h = L_h \bar{u}_h - f_h = L_h \bar{u}_h - L_h u_h = L_h(\bar{u}_h - u_h) = L_h \varepsilon_h$. Яъни хатолик $\varepsilon_h = \bar{u}_h - u_h$ га нисбатан $L_h \varepsilon_h = R_h$ ЧАС ни олдик. $\|u_h\|_{U_h} \le M\|f_h\|_{F_h}$ га u_h ўрнига ε_h ни, f_h ўрнига R_h ни қўямиз ва $\|R_h\|_{F_h} \le Mh^s$ тенгсизликдан фойдаланамиз: $\|\varepsilon_h\|_{U_h} \le M\|R_h\|_{F_h} \le MCh^s$.

Теорема 2. $Lu = f$ ДМ учун ЧАС $L_h u_h = f_h$ турғун бўлсин ва мослик шарти (3) бажарилсин. У ҳолда $\lim_{h\to 0}\|\bar{u}_h - u_h\|_{U_h} = \|\bar{u} - u\| = 0$ ва $\|\bar{u}\|_U \le M\|f\|$.

4. **ЧАС тузиш технологияси**. ДМ $Lu = f$ дан ЧАС $L_h u_h = f_h$ га ўтиш учун қуйидаги ишлар қилинади:

1. ДМ нинг берилган узлуксиз соҳа $\bar{D} = D + G$ дискрет соҳа –тўр $\bar{D}_h = D_h + G_h$ билан алмаштирилади.

2. $Lu = f$ ДМ тўр нуқталарида ёзилади:

$$L(u_h) = L(u_h, D_x u_h, D_y u_h, D_{xx} u_h, D_{xy} u_h, D_{yy} u_h) = f_h, \qquad (5)$$

бу ерда $D_x u_h = u'(M_h) = \Lambda_x u_h + O(h^r), r = 1, 2$, $D_{xx} u_h = u''(M_h) = \Lambda_{xx} u_h + O(h^2)$,....

3. (3) да чексиз кичик миқдорларни ташлаб юбориб ЧАС га келамиз: $L_h u_h = f_h$.

4. ЧАС $L_h u_h = f_h$ ни ечиб тўрда тақрибий ечим жадвали $u_h = L_h^{-1} f_h$ ни топамиз.

5. ЧАС ни текшириш технологияси. Узлуксиз масала $Lu = f$ дан дискрет масала $L_h u_h = f_h$ га ўтилгач ЧАС нинг яроқлилигини текшириш учун қуйидаги ишлар қилинади:

1.Аппроксимация $R_h = L_h \bar{u}_h - f_h$ текширилади, масалан, $\|R_h\|_{F_h} \le Ch^s$ бўлсин.

2. Турғунлик $\|u_h\|_{U_h} \le M \| f_h\|_{F_h}$ текширилади.

3. Агар аппроксимация ва турғунлик ўринли бўлса Филлипов теоремасига асосан, яқинлашиш $\|\varepsilon_h\|_{U_h} \le M \|R_h\|_{F_h} \le MCh^s$ ўринли бўлади.

4. Компьютерда ЧАС $L_h u_h = f_h$ ни ечиш учун бирор алгоритм танланади.

4. Турғунликни текшириш. Чекли айримали схемаларнинг турғунлигини билиш жуда муҳимдир.Уни текширишни турли усуллари бор.Улардан энг соддаси спектрал белгидир. Фараз қилайлик (1), (2) тенглама вақтига (t) ва фазовий координаталар $x_i ,..., x_m$ ларга боғлиқ бўлсин ва бир жинсли бўлсин. (3), (4) чекли айримали схеманинг хусусий ечимлари гармоника

$$u_h(x,t) = \lambda^n \exp(i\varphi(k_1x_1 + ... + k_m x_m)), \quad i^2 = -1, \lambda = \lambda(\varphi).$$

кўринишда изланади. Равшанки биржинсли схема учун u^h=0 ечим, гармоника ҳам ечим бўлиши учун нуқталар сони чексизликка интилганда гармоника ҳам нолга интилиши керак.

Равшанки, $|u_h| = |\lambda^n|$, ва агар $|\lambda| < 1$ бўлса $u^j{}_k \to 0, j \to \infty$ ва схема турғун, агарда $|\lambda| > 1$ бўлса $u^j{}_k \to \infty, j \to \infty$ ва схема нотурғун.

4. Аппроксимацияни текшириш.

Фараз қилайлик, Lu=f,lu=g дифференциал чегаравий масала $L_h u_h = f_h$, $l_h u_h = g_h$ айирмали схема билан алмаштирилган бўлсин. Айирмали схемага аниқ ечим жадвали $\bar{u}_h$ ни қўйиб ушбу дифференциал тенглама, бошлангич- чегара шартлардан четланишларни ҳосил килдик:

$$R_h = L_h\bar{u}_h - f_h == L_h\bar{u}_h - (Lu)_h,\ r_h = l_h\bar{u}_h - g_h = l_h\bar{u}_h - (lu)_h.$$

Бу четланишларнинг 0 га интилиши Тейлор формуласи асосида ёки чекли айирмали ҳосилаларнинг ташлаб юборилган қолдиқ ҳадларидан фойдаланиб кўрсатилади.

Мисол 1. $Lu = u_t + au_x = 0,\ \ lu = u(x,0) = g(x)$ Коши масаласи берилган бўлсин, $t \ge 0, -\infty < x < \infty$.

$x_k = kh,\ t_n = j\tau$ тўр ясаб, дифференциал тенглама ва чегара шартларни аппроксимация қиламиз.Тўрда ушбу схемани тузайлик:

$$L_h u^h = f^h, L_h u^h = \{\frac{u_k^{j+1} - u_k^j}{\tau} + a\frac{u_k^j - u_{k-1}^j}{h}\},\ f^h = \{f_k^j\}, l^h u^h = g^h, l^h u^h = \{u_k^0\}, g^h = \{g_k\}$$

Кўриниб турибдики, $R_h = L_h u_h - f^h = 0(\tau) + 0(h)$.Уни таъриф асосида исботлаш мумкин.

Равшанки, $f_h = f^h,\ g_h = g^h,\ r_h = u_h u_n - (lu)_h = 0$ ва

$$R_h = L_h u_h - f_h = (u(x_k, t_{j+1}) - u(x_k, t_j))/\tau + a(u(x_k, t_j) - u(x_{k-1}, t_j))/h -$$
$$(u_t(x_k, t_j) + au_x(x_k, t_j)) = u_t(x_k, t_j) + u_{tt}(x_k, c_1)\tau/2 + a(u_x(x_k, t_j) +$$
$$hu_{xx}(c_2, t_v)/2) - (u_t(x_k, t_j) + au_x(x_k, t_v)) = u_{tt}(x_k, c_1)\tau/2 + a_u x_k(c_2, t_v)h/2 = 0(\tau + h)$$

Демак, $R_h = R_{h\tau} = 0(\tau + h)$, бу ерлар c_1,c_2- оралик қийматлар. Улар Тейлор формуласидан фойдаланиш туфайли келиб чикди.

5. Турғунликни текшириш.

Турғунликнинг текширишнинг бир неча усуллари бор. Улардан энг соддаси турғунликнинг спектрал Нейман, зарурий белгисидир. Нейманнинг зарурий шарти вақтга боғлиқ системалар учун қўлланилади. Нейманнинг зарурий шартини мисолда тушунтирамиз.

$L_u = u_t + au_x = 0$ тенглама учун $l_u = u(x,0) = g(x)$ бошланғич шарт қўйилган бўлсин. Бу тенглама учун худди юқоридаги айирмали схемани мос қўямиз. Айирмали схема хусусий ечимини гармоника кўринишда излаймиз. Бу ечимнинг схемага қўйиб уни қачон ечим бўлишини аниқлаймиз. Бунинг учун айирмали схема хусусий ечимини $u_k^{\ j} = \lambda^j \exp(ikh\varphi), \quad i^2 = -1,$ кўринишда излаймиз.Схема биржинсли бўлганлигидан $u_k^{\ j} = 0$ ечим бўлади.Хусусий ечим қанақа экан?. Гармоникани схемага қўямиз ва топамиз:

$$\frac{\lambda^j(\lambda-1)\exp(ikh\varphi)}{\tau} + a\frac{\lambda^j\exp(ikh\varphi)(1-\exp(-ih\varphi))}{h} = 0 \to \frac{\lambda-1}{\tau} + a\frac{1-\exp(-ih\varphi)}{h} = 0,$$

$$\lambda = 1 - \frac{a\tau}{h} + \frac{a\tau}{h}\exp(-ih\varphi) = 1 - \frac{a\tau}{h}(1-\cos(h\varphi)) - i\frac{a\tau}{h}\sin(h\varphi),$$

$$|\lambda| = \sqrt{[1-\frac{a\tau}{h}(1-\cos(h\varphi)]^2 + [\frac{a\tau}{h}\sin(h\varphi)]^2}$$

Равшанки**,** $\left|u_k^j\right| = \lambda^j \mid e^{ih\varphi k} \mid = \lambda^j$, шунинг учун агар $u_k^{\ j} \to \infty$ бўлса турғунликни бўлиши мумкин эмас.Демак, |λ|<1 бўлиши керак. Агар a<0 бўлса, |λ|>1 ва турғунлик йўқ.

Демак**,** берилган схема a>0 бўлса |λ|<1 бўлиши учун $a\tau/h < 1$ бўлиши керак ва схема бу ҳолда турғун бўлади.

6.Назарий саволлар ва топшириклар

1. ЧАС тузиш кетма-кетлигини айтиб беринг .
2. Тақрибий ечим хатолиги нима? (ε_h=?)
3. ЧАС ни диффенциал тенгламадан четланиши нима? ($R_h \to 0$)
4. ЧАС ни чегаравий-бошлангич шартларидан четланиши нима? ($r_h \to 0$)
5. ЧАС қачон дифференциал масалани аппроксимация қилади? ($R_h, r_h \to 0$)

Мундарижага

2.8. ПАРАБОЛИК ТЕНГЛАМА УЧУН ЧЕКЛИ АЙИРМАЛИ СХЕМА

Асосий тушунчалар: *шаблон, дисперцион шарт,ПТ учун ошкор схема, ошкормас схема, шартли турғунлик, абсалют турғунлик, прогонка усули, қатлам.*
Асосий формулалар:
1. *ПДТ учун бошланғич-чегара масала:* $Lu = u_t - u_{xx} = f(x,t)$,

$$lu = u(x,0) = u^0(x), 0 \le x \le 1, , l_0 u = u(0,t) = \gamma_0(t), \quad l_1 u = u(l,t) = \gamma_1(t), 0 \le t \le T.$$

2.Ошкор ва ошкормас ЧАС :

$$L_h^{(1)} u^h = (u_k^{j+1} - u_k^{j})/\tau - \Lambda_{xx} u_k^{j} = f_k^{j};$$

$$u_k^0 = u(x_k),\ k = 0,...,m; u_0^{j+1} = \gamma_0^{j+1},\ u_m^{j+1} = \gamma_0^{j+1}, \quad j = 0,...,n.$$

$$L_h^{(2)} u^h = (u_k^{j+1} - u_k^{j})/\tau - \Lambda_{xx} u_k^{j+1} = f_k^{j+1};$$

$$u_k^0 = u(x_k),\ k = 0,...,m; u_0^{j+1} = \gamma_0^{j+1},\ u_m^{j+1} = \gamma_0^{j+1}, \quad j = 0,...,n.$$

Алгоритмлар: $u_k^{j+1} = u_k^{j} + \tau\Lambda_{xx} u_k^{j} + \tau f_k^{j}; \quad (E - \tau\Lambda_{xx}) u_k^{j+1} = u_k^{j} + \tau f_k^{j+1};$

3.Аппрокцимацияни текшириш:

$$R_h^{(1)} = L_h^{(1)} u_h - f^h = \{\ Lu(x_k,t_h) - f(x_k,t_h)\ \} = 0(\tau + h^2)$$

$$R_h^{(2)} = L_h^{(2)} u_h - f^h = \{\ Lu(x_k,t_h) - f(x_k,t_h)\ \} = 0(\tau + h^2)$$

4.Турғунликни текшириш:а)ошкор схеманинг турғунлик шарти $\tau / h^2 \le 1/2$ *;*
б) ошкормас схема шартсиз (абсолют) турғун .
5. ПДТ учун Галёркин усули.
6.Назарий саволлар ва машклар.

1. ЧАС тузиш

D={0≤x≤1,0≤t≤T} соҳада иссиқлик тарқалиш тенгламасининг

$$Lu = u_t - u_{xx} = f(x,t) \qquad (1)$$

бошлангич шарт

$$lu = u(x,0) = u^0(x) = g_0(x) \qquad (2)$$

ва чегара шартлар

$$l_0 u = u(0,t) = g_1(t), \quad l_1 u = u(1,t) = g_2(t) \quad . \qquad (3)$$

га бўйсунадиган ечимини топиш талаб этилади. Фараз қиламизки, (1)-(3) масала ечими ягона ва мавжуд, ундан ташкари ечим D соҳада u_{tt}, u_{xxxx} узлуксиз ҳосилага эга .

Ечимни чекли айирмалар схемалар усули билан тақрибий топамиз. Бунинг учун соҳада

$$x_k = kh,\ k = 0,...m,\ h = 1/m,\ t_j = j\tau,\ j = 0,...,n,\ \tau > 0,\ \tau \le T < (n+1)\tau$$

тўғри чизиқлар ёрдамида $(x_k, t_j) = (kh, j\tau)$ тўр ҳосил қиламиз .

Тўрнинг нуқталарида (1), (2), (3) тенгламаларни ёзамиз:

$$u_t(x_k,t_j) = u_{xx}(x_k,t_j) + f(x_k,t_j), k = 1,...,m-1, j = 0,...,n-1. \ (4)$$

$$u(x_k,0) = u^0(x_k),\ k = 0,...,m \qquad (5)$$

$$u(0,t_j) = g_1(t_j), \quad u(1,t_j) = g_2(t_j),\ j = 0,...,n. \qquad (6)$$

Бу ерга кирувчи ҳосилаларни қуйидагича алмаштириш мумкин:

$$u_t(x_k,t_j) = \frac{u(x_k,t_{j+1}) - u(x_k,t_j)}{\tau} + 0(\tau) = \Lambda_t^{+} u(x_k,t_j) + 0(\tau),$$

$$u_t(x_k,t_j) = \frac{u(x_k,t_j) - u(x_k,t_{j-1})}{\tau} + 0(\tau) = \Lambda_t^{-} u(x_k,t_j) + 0(\tau),$$

$$u_t(x_k,t_j) = u_t(x_k,t_j) = \frac{u(x_k,t_{j+1}) - u(x_k,t_{j-1})}{2\tau} + 0(\tau^2) = \Lambda_t^0 u(x_k,t_j) + 0(\tau^2) ,$$

$$u_{xx}(x_k,t_j) = \Lambda_{xx}u_h + 0(h^2) = \frac{u(x_{k-1},t_j) - 2u(x_k,t_j) + (x_{k+1},t_j)}{h^2} + 0(h^2) ,$$

$$u_{xx}(x_k,t_{j+1}) = \Lambda_{xx}u(x_k,t_{j+1}) + 0(h^2) = \Lambda_{xx}u_h + 0(h^2) = \frac{u(x_{k-1},t_j) - 2u(x_k,t_j) + (x_{k+1},t_j)}{h^2} + 0(h^2)$$

Бу ерда биз соддалаштириш учун иккинчи тартибли ҳосила учун иккинчи тартибли чекли айирмали (ҳосила) оператор киритдик:

$$\Lambda_{xx}u_h = \Lambda u(x_k,t_j) = \frac{u(x_{k-1},t_j) - 2u(x_k,t_j) + (x_{k+1},t_j)}{h^2} .$$

Λ_{xx} оператор $u_h = \{u_k^n\}$ ихтиёоий тўр функцияга ҳам шу каби таъсир эътади:

$$\Lambda_{xx}u_h = \Lambda_{xx}u_k^j = \frac{u_{k-1}^j - 2u_k^j + u_{k+1}^j}{h^2} .$$

(7)-(11) формулалардан кўриниб турибдики, бита ҳосила бир неча усул билан аппроксимации қилиниши мумкин экан. Ҳосилани чекли айирмалар Билан аппроксимация килишда ишлатиладиган тўрнинг нуқталар тўпламига шаблон дейилади. Демак, ҳосилани аппроксимация килиш усули шаблонга боғлиқ. Энди (4)-(6) ларга ҳосилаларнинг (7)-(11) қийматларини куйамиз. Бошлангич чегара шартларда ҳосила йук, улар аниқ аппроксимация қилинади. (4) га аввал (10), кейин (11) ни қўйиб икки хил айирмали схема ҳосил қиламиз:

$$L_h^{(1)}(u(x_k,t_j)) = (u(x_k,t_{j-1}) - u(x_k,t_j))/\tau - \Lambda_{xx}u(x_k,t_j) = f(x_k,t_j) + 0(\tau + h^2) \quad (12)$$

$$L_h^{(2)}(u(x_k,t_j)) = (u(x_k,t_{j+1}) - u(x_k,t_j))/\tau - \Lambda_{xx}u(x_k,t_{j-1}) = f(x_k,t_{j+1}) + 0(\tau + h^2) \quad (13)$$

Чексиз кичик микдоларни ташлаб юбориб ва $u_{kj} \approx u(x_k,t_j)$ деб икки хил чекли айирмали схема ҳосил қиламиз:

$$L_h^{(1)}u^h = (u_k^{\,j+1} - u_k^{\,j})/\tau - \Lambda u_k^{\,j} = f_k^{\,j}; \qquad f^h = (f_h) \quad (14)$$

$$L_h^{(2)}u^h = (u_k^{\,j+1} - u_k^{\,j})/\tau - \Lambda u_k^{\,j+1} = f_k^{\,j+1}, \qquad f^h = (f_h) \quad (15)$$

(14) схеманинг шаблони $(x_k,t_{n+1}),(x_{k-1},t_n),\ (x_k,t_n),\ (x_{k-1},t_n)$. (15) схеманики эса $(x_k,t_{n+1}),(x_{k-1},t_{n+1}),\ (x_k,t_{n+1}),\ (x_{k+1},t_{n+1})$. (14) ошкор схема дейилади, (15) соф ошкормас схема дейилади. Уларни қўшиб, иккига бўлиб Кранк-Николсон схемасини оламиз:

$$L_h^{(3)}u^h = (u_k^{\,j+1} - u_k^{\,j})/\tau - 0.5\Lambda(u_k^{\,j} + u_k^{\,j+1}) = 0.5(f_k^{\,j} + f_k^{\,j+1}) = 0.5 f_k^{\,j+0.5}, \qquad f^h = (f_h) \quad (16)$$

Энди схемаларни бошлангич-чегара шартлар билан бирга ёзамиз:

$$(u_k^{\,j+1} - u_k^{\,j})/\tau - \Lambda_{xx}u_k^{\,j} = f_k^{\,j}, \qquad k = 1,...m-1; \quad j = 0,...,n-1 , \qquad (17)$$

$$u_k^{\,0} = g_0(x_k),\ k = 0,..m; u_0^{\,j+1} = g_1^{\,j+1} \qquad u_m^{\,j+1} = \gamma_2^{\,j+1}, \quad j = 0,...n-1;$$

$$(u_k^{\,j+1} - u_k^{\,n})/\tau - \Lambda_{xx}u_k^{\,j+1} = f_k^{\,j+1}, \qquad k = 1,...m-1; \quad j = 0,...,n-1 , \qquad (18)$$

$$u_k^{\,0} = g_0(x_k),\ k = 0,..m; u_0^{\,j+1} = g_1^{\,j+1} \qquad u_m^{\,j+1} = g_2^{\,j+1}, \quad j = 0,...n-1;$$

$$(u_k^{\,j+1} - u_k^{\,n})/\tau - 0.5\Lambda_{xx}(u_k^{\,j} + u_k^{\,j+1}) = 0.5(f_k^{\,j} + f_k^{\,j+1}), \qquad k = 1,...m-1; \quad j = 0,...,n-1 , \ (19)$$

$$u_k^{\,0} = g_0(x_k),\ k = 0,..m; u_0^{\,j+1} = g_1^{\,j+1} \qquad u_m^{\,j+1} = g_2^{\,j+1}, \quad j = 0,...n-1 .$$

2. Аппроксимацияни текшириш. Бошлангич-чегара шартлар аниқ аппроксимация қилингани туфайли факат дифференциал тенгламанинг аппроксимациясинингина текшириш колади. Ўнг томон ҳам аниқ аппроксимация қилинаяпти, шунинг учун $f^n = f_k^{\,n} = f(x_k,t_n) = f_n$ ва

(12), (13) дан қуйидагини топамиз:

$$R_h^{(1)} = L_h^{(1)} u_h - f^h - (Lu - f)_h = \{Lu(x_k, t_j) - f(x_k, t_j)\} = 0(\tau + h^2)$$

$$R_h^{(2)} = L_h^{(2)} u_h - f^h - (Lu - f)_h = \{Lu(x_k, t_j) - f(x_k, t_j)\} = 0(\tau + h^2)$$

бу (12), (13) дан келиб чикиб турибдики. Демак, икала схема ҳам дифференциал тенгламани $0(\tau + h^2)$ билан аппроксимация қилаяпти экан.

Кранк-Никольсон схемаси аниқлиги $R_h^{(3)} = 0(\tau^2 + h^4)$ га тенг.

3 Турғунликни текшириш. Иккала схеманинг ечимини ҳам

$$u_k^j = \lambda^j e^{i\alpha k}$$

кўринишида излаймиз. Бу хусусий ечимни (14) ва (15) га қўйиб қуйидаги дисперсион шартларни топамиз ($f_k^j=0$ деб оламиз)

$$(\lambda_1^{j+1} e^{i\alpha k} - \lambda_1^{j} e^{i\alpha k}) / \tau = (\lambda_1^{j} e^{i\alpha(k-1)} - 2\lambda_1^{j} e^{i\alpha k} + \lambda_1^{j} e^{i\alpha(k+1)}) h^2$$

$$(\lambda_2^{j+1} e^{i\alpha k} - \lambda_2^{j} e^{i\alpha k}) / \tau = (\lambda_2^{j+1} e^{i\alpha(k-1)} - 2\lambda_2^{j+1} e^{i\alpha k} + \lambda_2^{j+1} e^{i\alpha(k+1)}) h^2$$

Бир хил кўпайтувчиларга кискартириб $(\lambda^j e^{i\alpha k})$ ушбуни топамиз:

$$(\lambda_1 - 1)/\tau = \lambda_1 (e^{i\alpha(-1)} - 2 + e^{i\alpha(1)})/h^2, \quad (\lambda_2 - 1)/\tau = \lambda_2 (e^{i\alpha(-1)} - 2 + e^{i\alpha(1)})/h^2. \ (20)$$

$e^{i\alpha(-1)} - 2 + e^{i\alpha(1)} = 2\cos(\alpha) - 2 = 2(\cos(\alpha) - 1) = -4\sin^2(\alpha/2)$ муносабатдан фойдаланиб

$$\lambda_1 = 1 - 4\frac{\tau}{h^2}\sin^2(\alpha/2), \quad \lambda_2 = (1 + 4\frac{\tau}{h^2}\sin^2(\alpha/2))^{-1} \qquad (21)$$

ечимларни топамиз. Бу муносабатлар $u_k^j = \lambda^j e^{i\alpha k}$ гармоника айирмали схеманинг қачон ечими бўлишини билдиради. Улар дисперцион муносабат (*λ ва а* ўртасида) ёки ҳарактеристик тенглама дейилади.

$u_k^j = |\lambda|^j$ эканидан, агар $|\lambda|>1$ бўлса $|u_k^j| \to \infty$ ва турғунлик бўлиши мумкин эмас. $|\lambda|<1$ бўлса $|u_k^j| \to 0$ турғунлик бўлиши мумкин. (21) дан $\lambda_2 < 1$ ва ошкормас схема доимо турғун экан. Ошкор схемада $\lambda_1 < 1$ бўлиши учун $\tau/h^2 \le 1/2$ бўлиши керак.

Демак, ошкор схема $\tau/h^2 \le 1/2$ бўлсагина турғун экан ва ошкормас доимо турғун экан, яъни ошкор схема шартли турғун, ошкормас схема абсолют турғун экан. Кранк-Никольсон схемаси ҳам абсолют турғун бўлади.

4. Алгоритмлар. Ошкор схемани ечиш масаласини кўрайлик. u_k^{j+1} ни топамиз (ошкор кўринишда)

$$u_k^{j+1} = u_k^j + \tau/h^2 (u_{k-1}^j - 2u_k^j + u_{k+1}^j) + \tau f_k^j, \quad j = 0,...,n-1;$$

$$u_k^0 = u_k^0, k = 0,1,...,m; \quad u_0^j = \gamma_0^j, \quad u_m^j = \gamma_1^j, \quad j = 0,1,...,n; \ (22)$$

Бу ердан кўринадики, чекли айирмали схемада факат икки қатлам нуқталари иштирок этяпти $(t = t_j, \ t = t_{j+1})$ ундан ташкари юқори катлам($t = t_{j+1}$) да факат битта ноъмалум қиймат бор (u_k^{j+1}). Демак, (22) асосида $t = t_0$ катламда берилган бошлангич ва чегара шарт қийматларидан фойдаланиб $t = t_1$ қатламдаги, сўнг кейинги қатламдаги қийматларни ҳам реккурент формулалар (22) ёрдамида, тенглама ечмасдан ошкор топишимиз мумкин.

Энди соф ошкормас схемани ечиш масаласини кўрайлик. Бу ерда энди ҳар бир $t = t_{j+1}$ қатламда $u_k^{j+1}, k = 1,...,m-1,$ номаълумларни топиш учун уч диоганалли система оламиз:

$$\begin{aligned} &-ru_{k-1}^{j+1} + (1+2r)u_k^{j+1} - ru_{k+1}^{j+1} = u_k^j + \tau f_k^j, \ k = 1,...,m-1; \ j = 1,...,n-1 \\ &u_k^0 = u_k^0, \quad u_0^{j+1} = \gamma_0^{j+1}, \quad u_k^{j+1} = \gamma_1^{j+1} \quad, j = 0,1....,n-1; \ r = \tau/h^2 \end{aligned} \qquad (23)$$

Бу ерда ҳам иккита қатлам иштирок этяпти. Юқори $t = t_{j+1}$ катламда уч номаълум, қуйи катламда битта қиймат иштирок этяпти. Шунинг учун ҳам бу схемани ошкормас схема дейилади. Ечишни $t = t_1$ қатламдан бошланади. Бу қатламда (22) га прогонка усули қўлланилади. Биринчи қатламда номаълумлар топилгач иккинчи қатламдаги номаълумлар яна прогонка усули билан топилади ва ҳоказо.

Соф ошкормас схемани коэффициентлари $0) a_{00} = 1, i = 1..m, a_{0i} = 0$;

$i) i = 1..m-1, a_{ii-1} = a_{ii+1} = -r, a_{ii} = 1+2r, a_{ij} = 0, j \neq i-1, i, i+1$; $m) a_{mi} = 0, i = 0..m-1, a_{mm} = 1$,

бўлган $A = [a_{ij}]$ матрица ва векторлар $u^{<j>} = [u_0^j, u_1^j, ..., u_m^j]^T$, $f^{<j>} = [f_0^j, f_1^j, ..., f_m^j]^T$

киритиб қуйидагича, ёзиш мумкин:

$$Au^{<j+1>} = u^{<j>} + \tau f^{<j>}, j = 0..n-1. \qquad (24)$$

Кранк-Николсон схемаси ҳам ошкормас схема бўлади ва қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин**:**

$$-u^{j+1}_{k-1} + 2(1+r)u^{j+1}_{k} - u_{k+1}^{j+1} = u^{j+1}_{k-1} - 2(1+r)u^{j+1}_{k} + u_{k+1}^{j} + 2h^2 f_k^j, \ k = 1,...,m-1; \ j = 1,...,n-1,$$
$$u_k^0 = g_k^0, \quad u_0^{j+1} = g_1^{j+1}, \quad u_k^{j+1} = g_2^{j+1} \quad, j = 0,1....,n-1 \ ; \ r = \tau / h^2$$

Кранка-Николсон схемасини коэффициентлари

$0) a_{00} = 1, i = 1..m, a_{0i} = 0; b_{0i} = 0, i = 0..m;$

$i) i = 1..m-1, a_{ii-1} = a_{ii+1} = -1, a_{ii} = 2(1+\mu), a_{ij} = 0, j \neq i-1, i, i+1; \mu = 1/r;$

$i = 1..m-1, b_{ii-1} = b_{ii+1} = 1, b_{ii} = 2(1-\mu), b_{ij} = 0, j \neq i-1, i, i+1;$

$m) a_{mi} = 0, i = 0..m-1, a_{mm} = 1; a_{mi} = 0, i = 0..m;$

бўлган матрицалар $A = [a_{ij}], B = [b_{ij}]$ ва векторлар $u^{<j>} = [u_0^j, u_1^j, ..., u_m^j]^T$,

$f^{<j>} = [f_0^j, f_1^j, ..., f_m^j]^T$ киритиб, қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Au^{<j+1>} = Bu^{<j>} + 2h^2 f^{<j>}, j = 0..n-1, f_{i,j} = f(x_i, t_j + \tau/2). \qquad (25)$$

Демак, алгоритмик томондан ошкор схема қулай, лекин шартли турғун, соф ошкормас схема ва Кранк-Николсон схемалаи абсолют турғун, лекин ҳар бир катламда алгебраик тенгламалар системаси уч диоганалли, уни ечиш прогонка усули билан олиб борилади. Шартли турғунлик тўр қадамларига қаттик шарт қўяди, бу эса ҳисоблашларни кўп бажаришга олиб келади.

5. ПДТ учун ЧАСни MathCadда ечишни ташкил этиш.

ПДТ учун ушбу чегара масалани қараймиз:

$ua(x,t) := (x - x^2)e^t$, $f(x,t) = (x - x^2 + 2)e^t$, $u0(x) = (x - x^2)$, $g_1(t) = 0, g2(t) = 0$

A) Pdesolve ички функция ёрдамида ечиш.

MathCad ойнасида қуйидаги командаларни киритамиз:

Соҳа ни бериш $a := 0$ $b := 1$ $L := b - a$ $T := 0.05$

Соҳада тўр $m := 10 \; n := 5 \; i := 0..m \;\; j := 0..n, h := L/m \;\; \tau := T/n \;\; x_i := a + ih \;\; t_j := j\tau$

Берилганлар $\quad u0(x) := x - x^2 \quad f(x,t) := (x - x^2 + 2)e^t \quad g1(t) := 0 \quad g2(t) := 0$

Тенглама Given $\quad u_t(x,t) = u_{xx}(x,t) + f(x,t)$ (баробар йўғон)

Чегара шартлар $u(x,0) = u0(x) \;\; u(0,t) = g1(t) \;\; u(1,t) = g2(t)$

Ички функцияга мур.-т $\quad u := Pdesolve\left[u, x, \begin{pmatrix} a \\ b \end{pmatrix}, t, \begin{pmatrix} 0 \\ T \end{pmatrix}, m, n\right] \qquad u_{i,j} := u(x_i, t_j)$

Аниқ ечим ва қийматлари $\quad ua(x,t) := (x - x^2)e^t \quad ua_{i,j} := ua(x_i, t_j)$

Тақрибий ечим жадвалини чиқарамиз:

$u^T =$

	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
0	0	0.089	0.158	0.207	0.237	0.247	0.237	0.207	0.158	0.089
1	0	0.09	0.16	0.209	0.239	0.249	0.239	0.209	0.16	0.09
2	0	0.091	0.161	0.212	0.242	0.252	0.242	0.212	0.161	0.091
3	0	0.092	0.163	0.214	0.244	0.254	0.244	0.214	0.163	0.092
4	0	0.093	0.164	0.216	0.247	0.257	0.247	0.216	0.164	0.093
5	0	0.093	0.166	0.218	0.249	0.26	0.249	0.218	0.166	0.093

Аниқ ечим жадвалини чиқарамиз:

$ua^T =$

	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
0	0	0.09	0.16	0.21	0.24	0.25	0.24	0.21	0.16	0.09
1	0	0.091	0.162	0.212	0.242	0.253	0.242	0.212	0.162	0.091
2	0	0.092	0.163	0.214	0.245	0.255	0.245	0.214	0.163	0.092
3	0	0.093	0.165	0.216	0.247	0.258	0.247	0.216	0.165	0.093
4	0	0.094	0.167	0.219	0.25	0.26	0.25	0.219	0.167	0.094
5	0	0.095	0.168	0.221	0.252	0.263	0.252	0.221	0.168	0.095

Аниқ ва тақрибий ечим графикини чиқарамиз:



u^T



ua^T

В) ПДТ учун ошкор ЧАС ни MathCAD да ечиш.

MathCAD ойнасида қуйидаги командаларни ёзамиз:

Соҳа $\qquad a := 0 \;\; b := 1 \;\; L := b - a \;\; T := 0.05$

Соҳада тўр $m := 10 \; n := 5 \; i := 0..m \;\; j := 0..n, h := L/m \;\; \tau := T/n \;\; x_i := a + ih \;\; t_j := j\tau$

Берилганлар $u0(x) := x - x^2 \quad f(x,t) := (x - x^2 + 2)e^t \quad g1(t) := 0 \quad g2(t) := 0$

Қўшимча шартлар $u_{i,0} := u0(x_i) \; u_{0,j} := g1(t_j) \; u_{m,j} := g2(t_j)$

u_h қийматларни қатлам бўйича ҳисоблаш ва чиқариш

$i := 1..m-1 \;\; j := 0..n-1 \;\; u_{i,j+1} := r(u_{i-1,j} + u_{i+1,j}) + (1-2r)u_{i,j} + \tau f(x_i, t_j) \quad u^T =$

Аниқ ечим, қийматлари $ua(x,t) := (x - x^2)e^t \quad ua_{i,j} := ua(x_i, t_j) \;\; ua^T =$

Отметим, что таблицы значений приближённого и точного решений совпадают с соответствующими таблицами из пункта А), полученными внутренней функцией **Pdesolve.**

С) Решение чисто неявной КРС для ПДУ в MathCAD.

MathCAD ойнасида қуйидаги командаларни ёзамиз:

Соҳа $a := 0 \; b := 1 \; L := b - a \; T := 0.05$

Соҳада тўр $m := 10 \; n := 5 \; i := 0..m \; j := 0..n, h := L/m \; \tau := T/n \;\; x_i := a + ih \; t_j := j\tau$

Аниқ ечим ва унинг жадвали $ua(x,t) := (x - x^2)e^t \quad ua_{i,j} := ua(x_i, t_j)$

Берилганлар $u0(x) := x - x^2 \quad f(x,t) := (x - x^2 + 2)e^t \quad g1(t) := 0 \quad g2(t) := 0$

Қўшимча шартлар $u_{i,0} := u0(x_i) \; u_{0,j} := g1(t_j) \; u_{m,j} := g2(t_j)$

ЧАС матрицаси $A_{0,0} := 1 \; i := 1..m \; A_{0,i} := 0 \quad A_{m,m} := 1 \;\; i = 0..m-1 \;\; A_{m,i} := 0$

$i := 1..m-1 \; A_{i,i-1} := -r \;\; A_{i,i+1} := -r \;\; A_{i,i} := 1 + 2r$

Берилганлар $i := 1..m-1 \; j := 0..n-1 \;\; d_{0,j} := g1(t_{j+1}) \;\; d_{m,j} := g2(t_{j+1}) \;\; d_{i,j} := \tau f_{i,j+1}$

u_h қийматларни қатлам бўйича ҳисоблаш ва чиқариш

$j := 0..n-1 \;\; u^{<j+1>} := A^{-1}(d^{<j>} + u^{<j>})$

ЧАС матрицасини назорат учун чиқариш A=

A =

	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
1	-0.5	2	-0.5	0	0	0	0	0	0	0	0
2	0	-0.5	2	-0.5	0	0	0	0	0	0	0
3	0	0	-0.5	2	-0.5	0	0	0	0	0	0
4	0	0	0	-0.5	2	-0.5	0	0	0	0	0
5	0	0	0	0	-0.5	2	-0.5	0	0	0	0
6	0	0	0	0	0	-0.5	2	-0.5	0	0	0
7	0	0	0	0	0	0	-0.5	2	-0.5	0	0
8	0	0	0	0	0	0	0	-0.5	2	-0.5	0
9	0	0	0	0	0	0	0	0	-0.5	2	-0.5
10	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1

Тақрибий ечим u_h жадвали $\quad u^T =$

$u^T =$

	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
0	0	0.09	0.16	0.21	0.24	0.25	0.24	0.21	0.16	0.09
1	0	0.09	0.161	0.211	0.241	0.251	0.241	0.211	0.161	0.09
2	0	0.091	0.162	0.212	0.242	0.253	0.242	0.212	0.162	0.091
3	0	0.091	0.162	0.213	0.244	0.254	0.244	0.213	0.162	0.091
